

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

24-сон
(940)
2020 йил
22 июнь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

259. «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги ПФ-6010-сон Фармони
260. «Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон Фармони
261. «Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 июндаги ПҚ-4752-сон қарори
262. «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги ПҚ-4754-сон қарори
263. «Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайти-

рилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПҚ-4755-сон қарори

Бешинчи бўлим

264. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 1 майдаги 9-сон «Ўзбекистон Республикасининг аэропортлари ва ҳаво ҳудудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун йиғим, тарифларни шакллантириш ва ундириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3244*)
265. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 15 июндаги 134-мх-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-1*)
266. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 11 майдаги 117-сон «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-2*)
267. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/2-сон «Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-11*)
268. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/11-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-3*)
269. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 2020-19-сон «Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3245*)

270. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2020 йил 11 майдаги 170-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3246*)
271. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-16-сон «Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3247*)
272. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 2 июндаги 2020-21-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3248*)
273. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/12-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-3*)
274. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 12 июндаги 2020-18-сон «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1724-3*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 13 июндан 19 июнгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

259 Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизми такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида тўғрисида*

Табиий газ ва электр энергиясини аҳоли ва тадбиркорлик субъектларга сотиш механизмини янада такомиллаштириш, уларнинг истеъмоли учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда — Бюро) қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) 2020 йил 1 июлдан қуйидагиларни назарда тутувчи механизмни жорий этиш:

«Худудгазтаъминот» АЖга ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга табиий газни тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш функциясини «Ўзтрансгаз» АЖга юклаш;

«Худудгазтаъминот» АЖ томонидан кейинчалик газ тақсимлаш тармоқларига уланган республика ички истеъмолчиларига, шу жумладан, аҳолига сотиш мақсадида табиий газни ушбу табиий газ магистрал газ узатиш тизими орқали етказиб берилган тақдирда — «Ўзтрансгаз» АЖдан, шунингдек, тўғридан-тўғри газ тақсимлаш тармоқларига етказиб берилган тақдирда — табиий газ ишлаб чиқарувчилардан олди-сотди шартномаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланадиган тарифлар бўйича сотиб олиниши;

б) 2021 йил 31 декабрга қадар «Ўзтрансгаз» АЖ магистрал газ узатиш тизимига уланган табиий газ истеъмолчиларини (йирик стратегик корхоналар бундан мустасно) «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига, табиий газни етказиб бериш шартномаларини қайта тузган ҳолда босқичма-босқич ўтказиш;

в) 2020 йил 1 августдан Бюронинг:

электр энергияси ва табиий газ истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари, шунингдек, муқобил энергия манбаларининг жорий этилишини ташкил этиш ва ушбу жа-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 июнда эълон қилинган.

раёнлар устидан мониторинг ўтказишга доир вазифа ва ваколатларини — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига;

электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қарздорлигини камайтириш, шунингдек, электр энергияси ва табиий газ сотуви ва истеъмолини ҳисобга олиш бўйича вазифа ва ваколатларини — тегишлича «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг худудий корхоналарига ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг худудий газ таъминоти ташкилотларига;

электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олишга доир вазифа ва ваколатларини — тегишлича «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг худудий корхоналарига ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг худудий газ таъминоти ташкилотларига ҳамда ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга;

электр энергияси ва табиий газни эҳтиёт қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва масъулиятини ошириш чораларини кўришга доир вазифа ва ваколатларини — тегишлича Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига, «Худудий электр тармоқлари» АЖга ва «Худудгазтаъминот» АЖга;

энергия ресурслари учун ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш тизимини комплекс таҳлил қилиш, тизимли муаммоларни аниқлаш, такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишга доир вазифа ва ваколатларини — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига ўтказиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги «Худудгазтаъминот» АЖнинг худудий газ таъминоти ташкилотларини кейинчалик улар негизида филиаллар ташкил этган ҳолда белгиланган тартибда «Худудгазтаъминот» АЖга қўшилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда:

ички бозорга етказилган табиий газ учун 2020 йил 1 июль ҳолатига мавжуд бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини (магистрал газ узатиш тизимида уланган истеъмолчилар бундан мустасно) «Ўзтрансгаз» АЖдан «Худудгазтаъминот» АЖга қайта расмийлаштирилишини;

табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими 2021 йил охирига қадар барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этилишини;

«Ўзтрансгаз» АЖ магистрал газ узатиш тизимида уланган истеъмолчиларни (йирик стратегик корхоналар бундан мустасно) бир ой муддатда «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини, мазкур жараёни табиий газни етказиб бериш шартномаларини қайта тузишни ҳисобга олиб, 2021 йил 31 декабрга қадар якунлашни назарда тутган ҳолда тасдиқланишини;

«Ўзтрансгаз» АЖнинг магистрал газ узатиш тизимида уланган истеъмолчиларнинг «Худудгазтаъминот» АЖнинг газ тақсимлаш тармоқларига ўтказилишига қараб, ушбу истеъмолчилар билан табиий газ етказиб бериш

шартномаларини «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан босқичма-босқич қайта тузилишини таъминласин.

Белгилансинки, «Худудгазтаъминот» АЖ «Ўзтрансгаз» АЖ ва илгари «Ўзтрансгаз» АЖ таркибига кирган унинг ҳудудий газ таъминоти филиаллари билан истеъмолчилар (магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчилар бундан мустасно) ўртасида тузилган табиий газ етказиб бериш бўйича шартнома ва мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

4. Бош прокуратура Молия вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин:

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва расмийлаштириш механизми;

ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун мажбурий тўловларни ундириш механизми;

энергия таъминоти, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш соҳасида тўлов интизомини таъминлаш бўйича Бюро органларининг вазифалари тугатилиши муносабати билан унинг фаолиятини такомиллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш.

Белгилансинки, электр энергияси ва табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши бўйича вазифалар ўтказилиши муносабати билан «Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ва «Худудгазтаъминот» АЖнинг тузилмалари фаолиятига қўшимча жалб қилинадиган ходимлар, биринчи навбатда, мазкур банднинг тўртинчи хатбошисига мувофиқ қисқартирилаётган Бюро ходимлари ҳисобидан тўлдирилади.

5. Белгилансинки:

2020 йил 1 июлдан бошлаб янги табиий газ истеъмолчилари (йирик стратегик корхоналар бундан мустасно) фақат газ тақсимлаш тармоқларига уланади;

нефть, газ ҳамда газ конденсатини казиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш (шу жумладан, охирги истеъмолчигача сотиш) бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс — лицензиатлар томонидан умумий фойдаланишдаги газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан, уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш, шунингдек, ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга лицензиат томонидан рухсатсиз аралашиш лицензия битими талаблари ва шартларини бир маротаба қўпол равишда бузиш ҳисобланади ҳамда лицензияловчи органнинг қарорига мувофиқ лицензия амал қилишининг тугатилишига олиб келади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 2-ило-вага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Бюро ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 июнь,
ПФ-6010-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 18 июндаги
ПФ-6010-сон Фармониға
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2598-сон Фармонининг 9-бандидаги ««Ўзбекнефтьгаз» Акциядорлик жамияти» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5484-сон Фармонининг 1-бандида:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари комплекси таркибига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги тузилмасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-438-сон қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. «Ўзтрансгаз» АЖнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

табiiй газни кейинчалик ягона оператор сифатида етказиб бериш,

жумладан, экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар, шу жумладан, маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битимлар асосида фаолият юритувчи қўшма корхоналар ва хорижий компаниялардан харид қилиш;

табiiй газни олди-сотди шартномаси бўйича «Худудгазтаъминот» АЖ ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга сотиш;

магистрал газ қувурлари, компрессор станциялари, ер ости газ омборлари ва уларнинг ускуналаридан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларининг меъёрий талабларига амал қилган ҳолда магистрал газ қувурларига уланган электр ишлаб чиқарувчи электр станцияларини белгиланган тартибда табiiй газ билан узлуксиз таъминлаш;

магистрал газ қувурлари тизимида уларни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни ҳисобга олиб ҳамда табiiй газни узатиш технологияси ва гидравлик балансига риоя этган ҳолда ягона техник сиёсатни олиб бориш;

магистрал газ қувурлари тизимида табiiй газдан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

магистрал газ қувурлари тизимида замонавий ҳисоблаш приборлари ва усулларини жорий этган ҳолда газнинг қатъий ҳисобга олинишини таъминлаш, табiiй газнинг исроф қилиниши ва асоссиз ишлатилишини камайтириш бўйича чоралар кўриш;

экспортга табiiй газ етказиб бериш ҳажмини ошириш ва уни узатиш бўйича кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги «Сув хўжалиги ташкилотлари истеъмол қиладиган электр энергия учун тўловлар механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-723-сон қарорида:

а) 1-банднинг олтинчи хатбошисидаги ««Ўзбекэнерго» ДАКнинг» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг рус тилидаги матни* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 февралдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш. Ўзбекистон Республикасининг Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари 0,4 кВли истеъмолчиларининг электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш тизими» лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1705-сон қарори рус тилидаги матни 2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «ГАК «Ўзбекэнерго»» сўзлари «АО «Региональные электрические сети»» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш. Ўзбекистон Республикасининг Бухоро, Жиззах ва Самарқанд вилоятлари 0,4 кВли истеъмолчиларининг электр энергияси истеъмолини ҳисоб-

* Матн «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

га олиш тизими» лойиҳасини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1795-сон қарори рус тилидаги матни 5-бандининг учинчи хатбошиси, 7 ва 8-бандларидаги «ГАК «Ўзбекэнерго»» сўзлари «АО «Региональные электрические сети»» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 1 майдаги ««Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2342-сон қарори рус тилидаги матни 3-бандининг тўртинчи хатбошиси, 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари, 5, 9, 10 ва 11-бандларидаги «ГАК «Ўзбекэнерго»» сўзлари «АО «Тепловые электрические станции»» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 октябрдаги ПҚ–2635-сон қарори билан тасдиқланган 100 фоиз оддий акциялари давлатга тегишли бўлган стратегик акциядорлик жамиятлари рўйхатининг рус тилидаги матнида:

а) 1 ва 2-бандлар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. АО «Ўзбекнефтегаз»

2. АО «Тепловые электрические станции»;

б) қуйидаги мазмундаги 1¹, 1², 2¹ ва 2²-бандлар билан тўлдирилсин:

«1¹. АО «Ўзтрансгаз»

1². АО «Худудгазтаъминот»

2¹. АО «Национальные электрические сети Узбекистана»

2². АО «Региональные электрические сети»».

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПҚ–3012-қарорида:

а) 5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 7-банднинг олтинчи ва еттинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмаган ҳолда ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг «Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёз ва преференцияларнинг амал қилиш даврида амалга оширилади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари «Худудий электр тармоқлари» АЖ, «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқарувчи истеъмолчилардан электр энергия сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадир».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3379-сон қарори 2-бандининг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 ноябрдаги

«Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3384-сон қарорида:

а) 2-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ишчи комиссиянинг Лойиҳа доирасида дастлаб 2 миллион дона электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналари, шунингдек, дастурий таъминот, қўшимча асбоб-ускуна, бошқа зарур техник воситаларни (кейинги ўринларда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситалар деб юритилади) «Toshelectroapparat» МЧЖ ХКдан истисно тариқасида тендер савдоларини ўтказмасдан харид қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин»; иккинчи хатбошидаги ««Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ишчи комиссия (Ж.А. Қўчқоров) «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Лойиҳа бўйича «Toshelectroapparat» МЧЖ ХК билан якуний музокаралар ўтказилиши ва контрактлар (кейинги ўринларда контрактлар деб юритилади) тузилишини ташкил этсин»;

в) 5-банднинг учинчи хатбошисидаги ««Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-бандда:

иккинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги ««Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7 ва 8-бандлардаги ««Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. «Худудий электр тармоқлари» АЖ Бюро билан биргаликда бир ой муддатда электр узатиш линиялари ва газ қувурларини модернизация қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилишини, электр таъминоти инфратузилмасининг амалдаги ҳолатини, шаҳарлар ва вилоятлар марказларининг устуворлигини инобатга олган ҳолда ҳисобга олиш ускуналари ва қўшимча воситаларни ўрнатиш жадвалини тасдиқласин»;

ё) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Худудий электр тармоқлари» АЖ билан биргаликда яратиладиган Коммунал хизматлар ягона биллинг тизимининг Лойиҳа доирасида ўрнатиладиган дастурий маҳсулотлар билан мослигини таъминласин»;

ж) 14-банддаги ««Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 16-банддаги ««Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Лойиҳанинг тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилиши, шу жумладан, тасдиқланадиган лойиҳа параметрларига эришиш юзасидан шахсий жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ раҳбари У.М. Мустафоев зиммасига юклансин».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги «Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъ-молчиликлар ва талон-тароғчиликлар шароитини тугатиш, тўлов интизоми-ни мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3386-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбо-шисидаги ««Ўзнефтмаҳсулот» АЖнинг» сўзлари ««Ўзбекнефтгаз» АЖнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энерге-тикасини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги ПҚ–3870-сон қарорида:

а) номланиши, 1-банди, 4-банднинг иккинчи хатбошиси, 6-банднинг биринчи хатбошиси ва 8-банддаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» сўзла-ри «Энергетика вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банд ва 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 1-илованинг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги «Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» феде-рал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ–3875-сон қарорида:

а) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли-ги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил ва кейинги йилларда Ўзбе-кистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини шаклланти-ришда уларга «ММФИ» МТЯУ филиалининг бино ва иншоотларини тасдиқ-ланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ реконструкция қилиш, капи-тал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш юзасидан лойиҳаларнинг белгиланган тар-тибда киритилишини таъминласин»;

б) 9-бандда:

«а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) «ММФИ» МТЯУ филиалига қабул квотаси манфаатдор вазирлик ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳисобга олинган ҳолда, Ўзбеки-стон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Энергетика ва-зирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги, бош муассаса билан келишилган ҳолда тайёрланган, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг асос-

* Матн «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лантирилган таклифлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни ҳар йили таҳлил қилиб боради ҳамда таҳлил натижасига кўра «ММФИ» МТЯУ филиалига келгуси ўқув йилларида таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича талабаларни қабул қилиш сони юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади»;

«б» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Васийлик кенгашининг қарорига мувофиқ «ММФИ» МТЯУ филиали ходимларига уларнинг юқори малакаси, ихтисослаштирилган компьютер комплекслари билан ишлаш кўникмалари учун «ММФИ» МТЯУ филиали ва Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устама белгиланиши мумкин»;

«г» кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «Фанлар академиясига» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банднинг биринчи хатбошисидаги ««Ўзбекнефтогаз» АЖ» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин»;

г) 2-иловада:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтогаз» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«С.Р. Холмурадов» сўзлари «Ш.А. Вафаев» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги бош директори» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин;

«М.М. Мирзаев» сўзлари «И.И. Норкулов» сўзлари билан алмаштирилсин;

«иқтисодиёт вазирининг» сўзлари «иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3-иловада:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекнефтогаз» АЖ бошқаруви раиси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги бош директори» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги бош директори» сўзлари билан алмаштирилсин».

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 октябрдаги «Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3981-сон қарориди:

а) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги ««Ўзбекэнерго» АЖнинг» сўзлари ««Худудий электр тармоқлари» АЖнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи — ўн биринчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Ариповга — «Йўл харита-си»да белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини қатъий назоратга олиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари С.У. Умурзаковга — халқаро молия институтлари ва ташкилотлардан жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни излаш ва инвесторларга, шу жумладан, ишончли бошқарувга бериладиган объектларни аниқлаган ҳолда электр энергетикаси тармоғига тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоровга — электр энергетикаси тармоғида лойиҳаларни давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш механизмларининг сифатли ишлаб чиқилишини таъминлаш;

«Иссиқлик электр станциялари», «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» ва «Худудий электр тармоқлари» акциядорлик жамиятлар бошқарувининг раислари — лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, мазкур қарорда белгиланган объектларни қуриш ва фойдаланишга топширишни таъминлаш учун шахсий жавобгарлик юклансин»;

б) 3-банднинг тўртинчи — ўнинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қуйидагилар:

Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига АСКУЭ 1-фаза лойиҳасини амалга ошириш доирасида иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан ЭЭҲО ва НҚАТ маълумотларини қайта ишлаш республика ягона марказини ташкил этиш бўйича ўтказилган халқаро тендер натижаларига кўра аниқланган пудратчи — компания билан;

Республиканинг барча ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этиш учун

зарур бўлган замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун халқаро танлов савдоларини ўтказиш юзасидан тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича «CESI S.P.A / AF Mercados Energy Markets International S.A / Sharifa.com» (Италия/Испания/Ўзбекистон) консалтинг компанияларининг консорциуми билан қўшимча битимлар тузиш.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А. Вафаев)га қуйидагиларни мувофиқлаштириш учун жавобгарлик юклансин:

харид қилиш жараёнларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштирок этишини, мамлакат ҳудудида ЭЭҲО ва НҚАТ ва ҳисоблаш қурилмаларига хизмат кўрсатиш сервис марказларини яратишни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ЭЭҲО ва НҚАТни жорий қилиш учун замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари ҳисобига 2021 йил 1 декабрга қадар республиканинг барча ҳудудларида ЭЭҲО ва НҚАТни жорий этишни яқунлаш бўйича замонавий ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш юзасидан халқаро тендер савдоларининг ўтказилишини жадаллаштириш.

«Худудий электр тармоқлари» АЖ маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ҳисоблаш қурилмалари ва қўшимча асбоб-ускуналарни сотиб олиш жараёнида, уларнинг техник параметрларининг халқаро тендер савдоларини ўтказиш учун тайёрланган тендер ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини таъминласин»;

в) 4-банддаги «Ўзбекэнерго» сўзлари «Худудий электр тармоқлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банддаги «Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Энергетика вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1-иловада:

1) «Лойиҳа қиймати ва молиялаштириш манбаи» устунда:

1 — 3, 5, 7-позициялардаги «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари «Иссиқлик электр станциялари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

11, 12, 19-позициялардаги «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

13, 15, 16-позициялардаги «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари «Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

2) «Масъул ижрочилар» устунда:

1 — 7, 9, 10 ва 14-позициялардаги «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)» ва «Давлат инвестиция қўмитаси» сўзлари тегишинча «Иссиқлик электр станциялари» АЖ (Мубаракшин)» ва «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-позицияда:

«Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)» сўзлари «Иссиқлик электр станциялари» АЖ (Мубаракшин)» сўзлари билан алмаштирилсин;

«МЭК» АЖ (Муратов)» сўзлари чиқариб ташлансин;

11 ва 12-позициялардаги «Давлат инвестиция қўмитаси» ва «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)» сўзлари тегишинча «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» ва «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ (Исакулов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

13, 14 ва 16-позициялардаги «Давлат инвестиция қўмитаси» ва «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари тегишинча «Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги» ва «Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

15, 17 ва 18-позициялардаги «Ўзбекэнерго» АЖ» сўзлари «Худудий электр тармоқлари» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-позициядаги «Ўзбекэнерго» АЖ (Мустафоев)» сўзлари «Ўзбекистон Миллий электр тармоқлари» АЖ (Исакулов)» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 3-иловининг матни* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4078-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2020 йил 1 январдан барча норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш (дарё ўзанларини тозалаш жараёнида қум-шағал материалларини қазиб олиш бундан мустасно) ҳуқуқи учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасидаги электрон аукцион якунлари асосида 20 кундан ошмаган муддатда берилади».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги «Шиша тола, шиша толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4277-сон қарори 10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги билан биргаликда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги синфларини (А, Б, В синфлари ва бошқалар) белгилаш, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари, энергия тежайдиган технологиялар ва ускуналар, шунингдек, энергия тежашнинг бошқа замонавий тизимларидан фойдаланиш бўйича талабларни норматив ҳужжатларга киритиш чораларини кўрсин».

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузил-

* Матн «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

масини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4329-сон қарори 11-бандидаги ««Ўзбекэнерго» АЖ» деган сўзлар ««Худудий электр тармоқлари» АЖ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4388-сон қарорининг 4-бандида:

«а» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тўғридан-тўғри шартномалар бўйича «Худудгазтаъминот» АЖ ва магистрал газ узатиш тизимига уланган истеъмолчиларга табиий газни сотиш»;

«б» кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирдаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«суюлтирилган газни харид қилиш, етказиб бериш, сақлаш ҳамда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига сотиш;

табиий газни кейинчалик газ тақсимлаш тармоғига уланган республика ички истеъмолчиларига, шу жумладан, аҳолига сотиш мақсадида магистрал газ узатиш тизими орқали етказиб берилганда — «Ўзтрансгаз» АЖдан, шунингдек, тўғридан-тўғри газ тақсимлаш тармоғига етказиб берилганда — табиий газ ишлаб чиқарувчиларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланадиган тарифлар бўйича олди-сотди шартномаси асосида харид қилиш функциялари юклансин».

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги «Нефть ва газ геология-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4522-сон қарори 12-бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«стратегик фойдали қазилма турларига эга ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқининг бошланғич баҳоси геологик тадқиқот учун — имзо бонуси ставкаси миқдорида, қазиб чиқариш учун — тижорат топилма бонуси ставкаси миқдорида қонунчиликда ўрнатилган тартибда белгиланади».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон қарори билан тасдиқланган Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати қуйидаги мазмундаги 86-қатор билан тўлдирилсин:

«

86.	«Худудгазтаъминот» АЖ	306605769
-----	-----------------------	-----------

».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 18 июндаги
ПФ-6010-сон Фармони
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4256-сон Фармони илованинг 3-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4374-сон Фармони илованинг 5-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 3 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4473-сон Фармони 1-илованинг 10-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-5114-сон Фармони илованинг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-5207-сон Фармони илованинг 6-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-5620-сон Фармони 1-илованинг 8-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-5894-сон Фармони илованинг 34-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 8 августдаги «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-438-сон қарори 5-банди ҳамда 5 ва 6-иловалари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августдаги «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-446-сон қарорининг 3-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июндаги «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-649-сон қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 7 ноябрдаги

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-1850-сон қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2213-сон қарорига илованинг 2-банди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2280-сон қарорига илованинг 2-банди.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифimini қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2343-сон қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-2655-сон қарорига илованинг 1-банди.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3238-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

260 Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги «Солиқ ва божхона имтиёзлари берилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сон Фармонига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар бўйича имтиёзлар, агар уларнинг ўзида ушбу солиқдан озод қилиш тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, ижтимоий солиққа нисбатан татбиқ этилмайди;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган юридик шахслардан

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 июнда эълон қилинган.

сотиб олинадиган ишлар (хизматлар) учун қўшилган қиймат солиғи бўйича берилган имтиёзлар, Ўзбекистон Республикасида доимий муассасалар орқали фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар — норезидентлар томонидан амалга ошириладиган ишлар (хизматлар)га татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон 2020 йил 1 октябрдан бошлаб кучга киради;

ушбу Фармонга 2-илованинг 1, 6, 7 ва 10-бандлари 2021 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади;

ушбу Фармонга 1-илованинг 4-банди 2022 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилади.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 июнь,
ПФ-6011-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 19 июндаги
ПФ-6011-сон Фармони
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 апрелдаги «Нефть ва газ конларини разведка қилиш ҳамда уларни қазиб чиқаришга бевосита хорижий сармояларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2598-сон Фармонида:

4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилиш ишларини амалга оширувчи хорижий компаниялар, шунингдек, улар томонидан жалб этиладиган хорижий пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлари қуйидагиларни тўлашдан озод қилинсин:

геология-разведка ишларини ўтказиш даврида фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари),

юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, юридик шахсларнинг ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни;

қидириш, разведка қилиш ва бошқа тегишли ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган машина-ускуналарни, моддий-техника ресурслари ва хизматларни импорт қилиш чоғида божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари)»;

5 ва 7-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармонида:

1 ва 2-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда ташкил этилган ва иловага мувофиқ рўйхат бўйича иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотларни ишлаб чиқаришга (хизматлар кўрсатишга) ихтисослаштирилган корхоналарга қуйидаги тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестиция ҳажмларида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади:

300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

3 миллион АҚШ долларида ортиқ ва 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга.

2. Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган алоҳида солиқлар бўйича имтиёзлар кўрсатиб ўтилган корхоналарни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари республиканинг барча шаҳарлари ва аҳоли яшаш жойларида жойлаштиришда қўлланилиши белгилаб қўйилсин. Бундай ҳудудий чеклов туризм ва чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарга татбиқ этилмайди»;

4, 6, 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4853-сон Фармонида:

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади»;

4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10 миллион АҚШ доллари ва ундан юқори — 10 йил муддатга берилади»;

5-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июндаги «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПФ–5068-сон Фармони 10-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. «Яшнобод» технопарки маъмурияти ва резидентлари амалга ошириладиган инновация лойиҳалари бўйича «Яшнобод» технопаркининг бутун фаолият кўрсатиш даврида қуйидагилардан:

ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ, инновация лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган асбоб-ускуна, хом ашё, материаллар, реактивлар, бутловчи буюмлар ҳамда қурилиш материаллари учун божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5285-сон Фармонида:

а) 9-бандда:

биринчи хатбошидан «— «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси аъзолари» сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши «божхона тўловлари тўлашдан (« сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–5326-сон Фармони 8-бандининг «в» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«в) тадбиркорлик фаолияти субъектларини 2022 йилнинг 1 январига қадар — Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган:

ишлаб чиқарилганига 5 йилдан ортиқ бўлмаган, йўловчиларни ташишда фойдаланиладиган ва ҳайдовчидан ташқари саккиз ва саккизтадан ортиқ ўриндиқларга эга бўлган транспорт воситалари;

дор (осма) йўлларни, тоғ-чанғи кўтаргичлар, фуникулёрлар ва бошқа ўхшаш объектлар ва иншоотларни қуриш, қайта таъмирлаш ва жиҳозлаш учун асбоб-ускуналар, механизмлар ва эҳтиёт қисмлар, шунингдек, аэро-статлар (ҳаво шарлари), моторли қайиқ ва квадроцикллар учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатларга кўра божхона тўловларини тўлашдан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги «Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5719-сон Фармонида:

а) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. «Навой» ЭИЗ иштирокчиси мақомини олган Навоий вилоятидаги корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида белгиланган тартибда алоҳида солиқлар, шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёзларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилади»;

б) 8-бандда:

«а» кичик бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10 миллион АҚШ доллари ва ундан юқори ҳажмдаги инвестициялар — 10 йил муддатга берилади»;

«в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

в) 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 февралдаги «Хорижий инвестициялар иштирокида «Женерал Моторс Ўзбекистон» корхонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ–800-сон қарори 8-бандининг олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–916-сон қарори 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларини қайта жиҳозлаш ва қўшимча жиҳозлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича модернизация қилиш доирасида олиб келинадиган ускуналар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин».

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1731-сон қарорида:

1 ва 7-бандлар ҳамда илова ўз кучини йўқотган деб топилсин;

5-банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган шартномалар маълумотларни Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритган ҳолда экспорт шартномаларига тенглаштирилади».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги «2016 — 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2460-сон қарори 9-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. 2021 йилнинг 1 январигача бўлган даврда:

наслдор чорвачилик субъектлари асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан;

«Ўззооветтаъминотхизмат» Республика бирлашмаси, наслдор чорвачилик субъектлари, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари, омухта ем, озуқа қўшимчалари, ветеринария вакциналари ва препаратлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича наслчилик материаллари, технологик ва ёрдамчи ускуналар, омухта ем ва озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқариш учун компонентлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар пайвандтаг, кўчат ва томчилатиб суғориш ускуналарини олиб киришда божхона тўловларини (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин».

12. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 февралдаги «2017 — 2021 йилларда электротехника саноатини бошқаришни янада такомиллаштириш, уни жадал ривожлантириш ва диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2772-сон қарори 13-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2017 — 2021 йилларда электротехника саноатини янада ривожлантириш ва диверсификациялаш бўйича чора-тадбирлар дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, материаллар ва бутловчи буюмлар 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси фаолиятларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2776-сон қарорида:

6-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва эксплуатация қилиш ишлари учун олиб келинадиган ускуналар, хом ашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар учун божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин»;

7-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Автомобиль йўлларини кўкаламзорлаштириш ва архитектура-ландшафт жиҳатдан тузиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3262-сон қарорида:

7-банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўй-ўлкаўкаламзорлаштириш» УК ва унинг таркибий бўлинмалари 2025 йилнинг 1 январига қадар декоратив ўсимликлар етиштириш учун кўчатхоналар банд қилган ер участкалари қисмида ер солиғи тўлашдан, юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин».

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 октябрдаги «Республикада асаричилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3327-сон қарори 11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. 2023 йилнинг 1 январигача белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатлар бўйича ташкилотлар томонидан олиб келинадиган насли (махсулот) материаллар, асаричилик соҳасида қўлланиладиган инвентарлар ва ускуналар, асарлари уяларини ташиш учун махсус транспорт воситалари ва тиркамалар, асарлари касалликлари ва зараркунандаларига қарши қўлланиладиган ветеринария дори воситалари ва препаратлар, асарлари уялари ишлаб чиқариш учун ёғоч ва зарур материаллар, пенополиуретан, уларга ёрдамчи ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлари, мумлар ва мум махсулотлари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин».

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 декабрдаги «2018 — 2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3422-сон қарори 4-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«бўшаган маблағлар ўзининг автотранспорт воситалари паркини кенгайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялашга, замонавий омборхона терминаллари барпо этишга ва банк кредитларини тўлашга йўналтирилиши шарти билан мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинсин;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, транспорт-логистика хизматлари кўрсатишга мўлжалланган, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган омборхона ускуналари, юк ортиш-тушириш техникаси, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарлар учун божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин».

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Виночилик соҳасини ва алкогольли махсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3573-сон қарори 12-бандининг учинчи хатбошиси «божхона тўловларини» сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3693-сон қарори 9-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9. Чарм, мўйна хом ашёси ва жун тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорва молларини автоматлаштирилган ҳолда сўйиш, жун, қорақўл ва сунъий чармдан буюмлар, чарм-атторлик махсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ташкилотларга 2023 йил 1 январга қадар муддатда қуйидаги кўринишдаги солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар берилсин:

фойда солиғи ва мол-мулк солиғи, айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод қилиш;

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар ва фурнитура учун божхона тўловлари (қўшилган қиймат солиғи ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод этиш;

юқоридаги тасдиқланадиган рўйхатларга киритилмаган, ўз ишлаб чиқариши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлаш муддатини қонунчиликда белгиланган тартибда кечиктириш».

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 ноябрдаги «Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4005-сон қарори 9-бандининг учинчи хатбошиси «божхона тўловларидан («сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 ноябрдаги «Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4015-сон қарори 16-бандининг учинчи хатбошиси «божхона тўловларидан («сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги фаолиятининг ташкилий масалалари тўғрисида»ги Ф–5137-сон фармойиши рус тилидаги матни 5-бандининг иккинчи хатбошиси «за исключением» сўзларидан кейин «налога на добавленную стоимость и» сўзлари билан тўлдирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги «Республикада ишлаб чиқарилмайдиган, агросаноат лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида олиб келинадиган, иссиқхона ва иссиқхонага оид қурилиш конструкцияларини 2021 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилиш тўғрисида»ги Ф–5230-сон фармойиши 2-банди «божхона тўловларидан («сўзларидан кейин «қўшилган қиймат солиғи ва» сўзлари билан тўлдирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Тошкент шаҳрида халқаро тоифадаги меҳмонхона қурилишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 279-сон қарори рус тилидаги матнининг 11-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«11. Освободить, в порядке исключения:

ГУП «Пойтахт қурилиш ва хизмат», АО «Ташгипрогор», АО «Трест 12» и их субподрядные организации, на период проектирования, строительства до завершения гарантийного срока — от уплаты таможенных платежей (за исключением налога на добавленную стоимость и таможенных сборов) на завозимые оборудование, строительную технику, строительные материалы

и комплектующие изделия, мебель, компьютерную технику и другие товары для строительства и оснащения гостиницы в соответствии со спецификациями, предусмотренными проектно-сметной документацией, разработанной по стандартам компании «Хаятт Интернэшнл», включая комплекты их запасов в соответствии с требованиями компании «Хаятт Интернэшнл»;

ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат» на период погашения привлекаемого кредита Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан — от уплаты налога на прибыль, налога на имущество, земельного налога, налога за пользование водными ресурсами в рамках деятельности гостиницы;

компании «Хаятт Интернэшнл», «Хаятт Интернэшнл (Европа, Африка, Ближний Восток) Лимитед», «Хаятт Чейн Сервисиз Лимитед», «Хаятт Голден Паспорт (трэвел) ЛТД.», «Интернэшнл Резервейшнз ЛТД» и «Хаятт Интернэшнл техникал сервисиз Инк.» в рамках заключенных соглашений с ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат» — от уплаты налога на прибыль, взимаемого у источника выплаты, на период погашения привлекаемого ГУП «Пойтахт курилиш ва хизмат» кредита Фонда реконструкции и развития Республики Узбекистан».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 19 июндаги
ПФ-6011-сон Фармони
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги ПФ-3878-сон Фармони 4 ва 5-бандлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ-4087-сон Фармони 8-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 17 июндаги «Солиқ имтиёзлари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ-4116-сон Фармони 1-илованинг 2-банди «б» кичик банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-таadbирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сон Фармони 1 ва 4-бандлари ҳамда Фармонга 1-илова.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги ПФ–5398-сон Фармонига 1-илованинг 2-банди ва 3-банди «б» кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1167-сон қарори 9-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрдаги «2017 — 2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2660-сон қарори 18-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 мартдаги «Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида кичик саноат зонасини барпо этиш тўғрисида»ги ПҚ–2860-сон қарори 6-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида замонавий радио ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–3255-сон қарори 8-банди.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 июлдаги «2018 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар ва шаҳарларда арзон кўп квартирали уйлар қуриш дастурларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3863-сон қарорига илованинг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

261 **Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларига Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 июнда эълон қилинган.

АҚШ доллари эквивалентида кредит линиясини ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

кредит линияси тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли даври билан фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан 4 фоиз паст қилиб берилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектларига, айниқса, маиший, таълим, тиббий, ахборот-коммуникация ва бошқа талаб юқори бўлган соҳаларда фаолият кўрсатадиган корхоналарни ташкил этиш (молия ва савдо соҳаларидаги тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно) ва жиҳозлаш учун Марказий банкнинг асосий ставкаси бўйича 1 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади;

мазкур қарорда назарда тутилган кредит линияси маблағларининг камида 20 фоизи аёллар ва ёш тадбиркорларга ажратилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон қарори билан ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган 67 та фаолият (ишлар ва хизматлар) турлари учун «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва қайтарилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 июнь,
ПҚ-4752-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**262 Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини
янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳада ислохотларнинг ҳозирги босқичи давлат органларида низоларни судгача кўриб чиқишнинг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш лозимлигини тақозо этмоқда.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, низоларни ҳал қилишнинг муқобил имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, судларда иш ҳажминини мақбуллаштиришда медиация институти, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ролини тубдан ошириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига мувофиқ ишни судда кўришга тайёрлаш пайтида судья тарафлардан келишув битимини тузиш эҳтимолини ёки низони ҳал қилишнинг муқобил усуллари эҳтимолини аниқлайди ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради;

ҳуқуқий жамиятда низони ҳал этишнинг муқобил механизмлари яратилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришишнинг самарали воситаси сифатида баҳоланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2020 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида:

Давлат божхона қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Наманган, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари ҳузурида Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашларини (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) ташкил этиш тўғрисидаги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари Апелляция

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 июнда эълон қилинган.

кенгаши томонидан кўриб чиқилиши тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, мазкур тартиб жисмоний ва юридик шахсларнинг бундай ишлар юзасидан тўғридан-тўғри бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

3. Қуйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

4. Белгилансинки:

Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади;

Апелляция кенгаши 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин;

Апелляция кенгаши аъзолигига амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар қабул қилинади. Бунда, давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим;

Апелляция кенгаши унда кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан тавсиявий тусга эга бўлган хулоса қабул қилади. Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулоса уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш учун, бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади;

Апелляция кенгашининг хулосасини қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда, давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икрамов):

Апелляция кенгаши ташкил этиладиган давлат органларининг бу борадаги фаолиятини доимий равишда мониторинг қилиб борсин ҳамда тизимнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларга амалий ва услубий жиҳатдан кўмаклашсин;

2021 йил 1 июлга қадар мазкур қарорнинг 2-бандига асосан жорий этилаётган эксперимент натижаларини кенг қамровли таҳлил қилган ҳолда, уни кейинчалик бошқа давлат органларида ҳам жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

7. Белгилансинки, қуйидагилар:

низоларни муқобил усулда ҳал этиш билан шуғулланувчи профессионал медиаторларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Медиация маркази;

профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитражларнинг ўзаро бирлашувига асосланган Низоларни муқобил усулда ҳал этиш маркази нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин.

8. Медиация маркази ва Низоларни муқобил усулда ҳал этиш марказининг (кейинги ўринларда — Марказлар) асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж фаолиятига низоларни муқобил усулда ҳал этиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун шартшароит яратиш;

медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж ишларини кўриш билан боғлиқ фаолиятга аралашмаслик принципи асосида иш юритиш;

медиация, ҳакамлик судлари ҳамда халқаро арбитраж соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш ва малакасини ошириш учун ўқув курсларини ташкил этиш. Бунда, медиаторларни тайёрлаш 72 соатдан кўп бўлмаган ўқув курслари бўйича амалга оширилади ва уларни муваффақиятли якунлаган тингловчиларга сертификат берилади;

медиация ва низоларни муқобил ҳал этишнинг бошқа усуллари ривожланиши ва кенг оммалашувига кўмаклашиш, бу соҳада семинарлар, тренинглар ва конференциялар ташкил этиш.

9. Белгилансинки, Марказлар:

а) тингловчиларга таълим беришни ташкиллаштириш учун:

шартнома асосида олий таълим муассасаларининг малакали педагоглари, шунингдек, миллий ва хорижий медиатор, ҳакамлик судьялари ва арбитражларни ҳамда вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларини жалб этиши мумкин;

етакчи хорижий медиация ва арбитраж марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, низоларни муқобил усулда ҳал этиш соҳасида тажриба алмашиши, шунингдек, низоларни ҳал этишга хорижий медиаторлар ва арбитражларни жалб этиши мумкин;

б) медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж фаолияти юзасидан адлия органларига ҳисоботлар топширишдан овоз этилади;

в) олий маълумотга эга раҳбарни қўшиб ҳисоблаганда камида беш нафар ходимга эга бўлишлари керак.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икрамов):

а) профессионал медиаторлар, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж-

лар ўртасида доимий равишда Марказлар ташкил этилишининг ижобий тарафлари ҳақидаги тарғибот ишларини ва бу борадаги фаолиятни мониторинг қилиб борсин ҳамда ҳар чоракда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб борсин;

б) икки ой муддатда илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб:

медиаторларни тайёрлаш бўйича ўқув курсларининг намунавий дастурини ишлаб чиқсин;

Бош прокуратура билан биргаликда медиация институтининг жиноят процессига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

11. Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш марказининг улар муассислигида Тошкент медиация марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икромов) Тошкент давлат юридик университети ва Юристлар малакасини ошириш маркази билан биргаликда Тошкент медиация маркази фаолиятини ташкиллаштириш ҳамда 2021 йил 1 январга қадар Тошкент медиация марказини жаҳоннинг медиация институти ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тайёрланган бино ва жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Тошкент шаҳрида:

2020 йил 1 июлдан бошлаб, эксперимент тариқасида, давлат хизматлари марказлари биноларида низолашувчи фуқароларга медиатор хизматидан фойдаланиш учун алоҳида хоналар ажратсин;

экспериментнинг ижобий натижалари асосида 2021 йил 1 апрелга қадар ушбу амалиётни барча давлат хизматлари марказлари биноларида татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ой муддатда белгиланган тартибда профессионал медиаторликни касб сифатида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Олий суди Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда профессионал медиаторлар ва ҳакамлик судлари реестрларига киритилган профессионал медиаторлар ҳамда ҳакамлик суди судьялари тўғрисидаги маълумотларнинг барча суд биноларида жойлаштирилишини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Р. Давлетов, М. Икромов) доимий равишда:

Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги қошидаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот

қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда профессионал медиаторлар, ҳакамлик судьяларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга масъул ходимлар учун низоларни судгача ҳал этиш бўйича илғор тажрибани ривожланган хорижий давлатларда ўрганишни ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида низоларни ҳал этишда медиация, ҳакамлик судлари ва халқаро арбитраж институтининг афзалликларига бағишланган ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшиттиришларни эфирга узатиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари эътиборига етказиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тегишли олий таълим муассасаларида илғор хорижий тажрибалар асосида медиация, ҳакамлик суди ва халқаро арбитраж соҳалари учун низоларни ҳал этишнинг муқобил йўналишларига оид бўлган магистратура мутахассисликларини ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари У.Ш. Ташходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 июнь,
ПҚ-4754-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 17 июндаги
ПҚ-4754-сон қарорига
ИЛОВА

**Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари
ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича
апелляция кенгаши тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгашининг (кейинги ўринларда — Апелляция кенгаши) мақоми, асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Апелляция кенгаши тегишли давлат органи ҳузурида низоларни судгача ҳал қилиш мақсадида тузиладиган коллегиял-маслаҳат органи ҳисобланади.

Апелляция кенгаши аъзолари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

3. Апелляция кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Апелляция кенгаши давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролардан мустақил равишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва улар бўйича хулосалар тузади.

2-боб. Апелляция кенгашининг асосий вазифалари

5. Қуйидагилар Апелляция кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади: жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал қилиш чораларини кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда қонун ҳужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

мурожаатни кўриб чиқишда аниқланган қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

6. Апелляция кенгаши мурожаатларни кўриб чиқишда:

тенг ҳуқуқлилик, холислик, қонунийлик, коллегиялик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бир хиллигини таъминлаш;

мурожаат этувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликларни мурожаат этувчининг фойдасига талқин қилиш принцип-ларига асосланади.

3-боб. Апелляция кенгашининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Апелляция кенгаши мурожаатни кўриб чиқишда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаат этувчилар, шунингдек, бошқа манфаатдор шахслардан мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва маълумотларни сўраб олиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларидан Апелляция кенгаши ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича маълумотномалар, ахборот-таҳлилий материалларни белгиланган тартибда сўраш ва бепул олиш;

қўшимча экспертиза тайинлаш, уни ўтказиш учун мустақил эксперт ва маслаҳатчиларни жалб этиш;

мураккаб масалаларни ўз ичига олган мурожаатларни кўриб чиқиш учун Апелляция кенгаши аъзоларидан ишчи ва эксперт гуруҳлари ташкил этиш;

зарурат бўлганда, мурожаатларни кўриб чиқишда қатнашиш учун давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотларидан мутахассислар ва экспертларни таклиф қилиш.

Апелляция кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Апелляция кенгаши мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида қуйидагиларга мажбур:

қонун ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиш; фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситишга, уларнинг шахсий ҳаётига аралашувга йўл қўймаслиги;

мурожаатни кўриб чиқиш юзасидан қабул қилинган хулосалар ҳаққонийлигини ва асосланганлигини таъминлаши;

давлат органи фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;

давлат органи ва унинг мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятига аралашмаслиги;

давлат органи ва унинг мансабдор шахслари фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги;

мурожаатни кўриб чиқиш давомида олинган ахборотнинг, агар бундай

ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса, сир сақланишига риоя қилиши.

Апелляция кенгашига мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

4-боб. Апелляция кенгаши фаолиятини ташкил этиш тартиби

9. Апелляция кенгашининг таркиби тегишли давлат органи раҳбарининг қарори билан икки ярим йил муддатга тасдиқланади.

Апелляция кенгаши 7 нафардан 11 нафаргача аъзолардан иборат таркибда тузилиши мумкин.

Апелляция кенгашининг таркибига унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари киради.

Апелляция кенгаши аъзолигига амалий тажрибага ва обрў-эътиборга эга давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек, соҳада катта амалий тажриба ёки илмий салоҳиятга эга бўлган обрўли фуқаролар қабул қилинади.

Бунда, давлат органининг марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари ёки ходимлари ҳисобланмаган Апелляция кенгаши аъзолари жами Кенгаш аъзоларининг бешдан бир қисмидан ошиб кетмаслиги лозим.

Апелляция кенгаши раиси ва ўринбосари унинг аъзолари томонидан Апелляция кенгаши аъзолари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

10. Қуйидаги ҳолатларда Апелляция кенгашининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан Апелляция кенгаши таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

улар ишлаётган ташкилот билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинганда;

Апелляция кенгашининг мажлисларида мунтазам равишда иштирок этмаганда;

мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мажбуриятларни бажармаганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган деб топилганда;

вафот этганда.

11. Қуйидаги ҳолларда Апелляция кенгаши аъзоси Кенгаш кун тартибига киритилган масалалар юзасидан мажлисда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим, агар у:

ишнинг натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса ёхуд унинг ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса;

тараф ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса.

12. Апелляция кенгашининг раиси:

Апелляция кенгаши фаолиятига раҳбарлик қилади ва Кенгаш зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Апелляция кенгашининг мажлисларини чақиради ва унда раислик қилади;

Апелляция кенгаши ваколатига тааллуқли масалаларни унинг кўриб чиқиши учун киритади;

давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Апелляция кенгаши номидан иш кўради;

Апелляция кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Апелляция кенгаши номидан хулосаларни, мажлислар баённомаларини ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

Апелляция кенгаши мажлислари кун тартибини белгилайди, Апелляция кенгаши ва тарафларни чақиради;

Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулосаларнинг ижросини мониторинг қилади;

юкланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича Апелляция кенгаши аъзолари ишини мувофиқлаштиради;

давлат органининг расмий веб-сайтида ва бошқа ресурсларда жойлаштириладиган Апелляция кенгашининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар мазмунини бўйича таклифлар киритади ва уни давлат органи раҳбари билан келишади;

Апелляция кенгаши томонидан қабул қилинган хулосалар низоларни ҳал қилишда инobatга олиниши юзасидан тегишли давлат органи раҳбари билан ҳамкорлик қилади;

Апелляция кенгаши ишининг самарадорлигини оширишга қаратилган бошқа ҳаракатларни бажаради.

13. Апелляция кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг вазифаларини раис ўринбосари бажаради.

14. Апелляция кенгашининг котиби:

муружаатларни қабул қилади ва рўйхатдан ўтказиши;

Апелляция кенгашининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, давлат органи ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Апелляция кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Апелляция кенгаши мажлиси ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини Апелляция кенгашининг раиси билан келишади;

Апелляция кенгашининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Апелляция кенгаши мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳақида хабардор қилади;

кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун зарур бўлган материалларни Апелляция кенгаши аъзоларига тарқатади;

Апелляция кенгаши хулосаларининг давлат органи томонидан инobat-

га олинishi ёки рад этилиши ҳолати устидан мониторинг олиб боради ҳамда унинг натижаларини Апелляция кенгаши мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

Апелляция кенгаши мажлисининг хулосасини ва баённомасини расмийлаштиради ҳамда хулосанинг Апелляция кенгаши аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

Апелляция кенгашининг фаолиятини услубий, ташкилий-ҳуқуқий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Апелляция кенгашининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Апелляция кенгашида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) ёхуд ҳаракатсизлиги натижасида ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатлари мазкур Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ кўриб чиқилади.

Жисмоний ва юридик шахслар низоли масалани Апелляция кенгашида кўриб чиқиш учун ушбу Кенгаш тузилган давлат органига ёзма (электрон) тарзда мурожаат қилади.

Давлат органининг раҳбари (ёки унинг ўринбосарлари) томонидан мурожаат унинг муаллифини хабардор этган ҳолда у келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичида кўриб чиқиш учун Апелляция кенгашига юборилади.

Давлат органига келиб тушган такрорий мурожаатларда Апелляция кенгаши ваколатига кирадиган масалалар келтирилган бўлса, давлат органи раҳбари мазкур мурожаатни кўриб чиқиш учун Апелляция кенгашига ўз ташаббусига кўра ҳам жўнатиши мумкин.

Давлат органига келиб тушган такрорий мурожаат кўриб чиқиш учун Апелляция кенгашига жўнатилган ҳолларда, бу ҳақда мурожаат этувчига дарҳол ёзма ёки электрон хабар юборилади.

16. Мурожаат Апелляция кенгашига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун мобайнида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Юзага келган низоли ҳолатни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари Апелляция кенгашининг раиси томонидан, истисно тариқасида, кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига дарҳол ёзма ёки электрон хабар юборилади.

17. Апелляция кенгашининг аъзолари ўз мажлисларида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқа шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

Апелляция кенгашининг аъзолари:

ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш учун давлат орга-

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ни томонидан ташкил этиладиган ҳайъат мажлисларида ва бошқа оммавий тадбирларда иштирок этади;

Апелляция кенгаши иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни Апелляция кенгашида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

давлат органи фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда қатнашади;

Апелляция кенгашининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Апелляция кенгашининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли ҳужжатларни тайёрлайди;

Апелляция кенгашининг зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

18. Апелляция кенгаши мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан Апелляция кенгаши аъзоларининг таклифлари ва Апелляция кенгаши раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

19. Апелляция кенгашининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

Апелляция кенгашининг мажлисида давлат органи раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бошқа ходимлар иштирок этиши мумкин.

Апелляция кенгашининг мажлисларига бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ҳамда мурожаат этувчи ёки унинг вакили таклиф этилиши мумкин.

20. Апелляция кенгашининг мажлиси, агар унда Апелляция кенгаши аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Апелляция кенгашининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

21. Апелляция кенгашининг хулосаси мажлисда иштирок этаётган Апелляция кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Апелляция кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

22. Апелляция кенгашининг мажлисида қабул қилинган қарор хулоса шаклида расмийлаштирилади. Апелляция кенгаши хулосаси мажлисда иштирок этган барча аъзолар томонидан имзоланади.

Хулосага қўшилмаган Апелляция кенгаши аъзоси хулосани имзолаб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма шаклда тақдим қилади. Алоҳида фикр иш материалларига қўшиб қўйилади.

23. Апелляция кенгашининг мажлис баённомаси котиб томонидан имзоланади ва мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

24. Апелляция кенгашининг хулосаси уч кун муддатда давлат органи раҳбарига кўриб чиқиш ва бошқа манфаатдор тарафларга маълумот учун юборилади.

Апелляция кенгашининг хулосаси тавсиявий тусга эга бўлиб, хулосани қабул қилиб олган давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари уни инобатга олиши ёки ёзма асослантирилган тарзда рад этиши мумкин. Бунда, давлат органи раҳбари ёки унинг ўринбосари қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда Апелляция кенгаши ва тарафларни ёзма ёки электрон тарзда хабардор қилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

25. Апелляция кенгашининг фаолиятини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш у ташкил этилган тегишли давлат органининг ўз маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

26. Апелляция кенгашининг фаолияти мазкур Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги у ташкил этилган тегишли давлат органининг раҳбари томонидан назорат қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

263 Туризм соҳасини санитария-эпидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Туризм соҳасини жадал суръатларда тиклаш ва мамлакатдаги санитария-эпидемиологик вазият барқарорлашгандан сўнг уни ривожлантиришнинг янги йўналишларини шакллантириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6002-сон Фармонига мувофиқ:

1. Белгилансинки:

а) 2021 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабрга қадар меҳмонхонага белгиланган тартибда берилган тоифа сақланган тақдирда тегишли йил якунига кўра жойлаштириш воситасининг тоифаси учун ундирилган туристик (меҳмонхона) йиғим суммасининг 50 фоизи жойлаштириш воситаларига қайтарилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 20 июнда эълон қилинган.

б) жойлаштириш воситалари томонидан, шу жумладан, халқаро бронлаштириш майдонларида мувофиқлик белгисидан (юлдузлар) ноқонуний фойдаланганлик ҳолати меҳмонхона хизматларини кўрсатиш учун берилган сертификатнинг амал қилишини қондабузарликнинг белгиланган тартибда бартараф этилгунига қадар тўхтатиб туриш учун асос бўлиб ҳисобланади;

в) 2020 йил 1 августдан бошлаб:

рейслар сони ва йўналишлари бўйича чекловларни бекор қилишни, шунингдек, хорижий авиакомпанияларга бешинчи даражадаги «ҳаво эркинлиги»ни тақдим этишни назарда тутувчи «Очиқ осмон» режими «Андижон», «Бухоро» ва «Урганч» халқаро аэропортларида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жорий этилади;

хорижий авиакомпаниялар уларнинг тегишли ҳужжатларини текшириш натижаларига кўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилотининг (ИКАО) учиш хавфсизлиги ва авиация хавфсизлиги бўйича стандартларига мувофиқ бўлиши шарти билан ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимнинг мавжудлигидан қатъи назар «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларга доимий қатновларни амалга ошира олади;

мамлакатнинг «Очиқ осмон» режими жорий этилган халқаро аэропортларига қатновларни амалга ошираётган хорижий авиакомпанияларга тариф ва йиғимлар уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпаниялар учун белгиланган миқдорда қўлланилади;

инвесторларнинг йўловчи ташувчи янги дор йўлларини («Чорвоқ» эркин туристик зонаси ҳудудида ташкил этилаётганлардан ташқари) тегишли хавфсизлик даражасини таъминлаган ҳолда қуриш ва жиҳозлаш учун йўналтирилган харажатларининг бир қисми уларни 2023 йил 31 декабрга қадар фойдаланишга топшириш ва узунлиги бир томонга камида 500 метр бўлиш шарти билан ҳар бир 500 метр йўл учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига (кейинги ўринларда — Бюджетдан ташқари жамғарма) ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдорида қопланади. Белгилансинки, бунда йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича дастлабки 50 та лойиҳага йўналтирилган инвесторлар харажатларининг бир қисми қопланади;

туристик зоналар ва қишлоқ жойлари ҳудудида тегишли стандартларга асосан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Қурилиш вазирлигининг намунавий лойиҳалари бўйича жойлаштириш воситаларини тез қуриладиган конструкциялар (ўтовлар, контейнерлар, сендвич панеллар) билан қуриш учун тадбиркорлик субъектлари харажатларининг бир қисми бундай типдаги жойлаштириш воситаларининг жойлари сони 50 мингтага етгунига ёки 2023 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ҳар бир жой учун 5 миллион сўмгача миқдорда қопланади;

2020 йил 31 декабрга қадар «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» («Ўзбекистон. Хавфсиз саёҳат КАФОЛАТЛАНГАН») тизимининг хавфсиз

объектлари реестрига киритилган, туризм ва ёндош инфратузилма объектларининг бино ва иншоотларида санитария-эпидемиология хизмати ташкилотлари томонидан дезинфекция, дезинсекция, дератизация ҳамда юқумли касалликлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва даражасини пасайтиришга қаратилган эпидемияга қарши курашиш профилактик тадбирларини амалга оширишга йўналтирилган хўжалик субъектларининг харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан қопланади;

шаҳарлар ва туманлар бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнида улар туризм инфратузилмасини ривожлантириш қисмида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан мажбурий келишилади;

гид (гид-таржимон), экскурсия етакчиси ва йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари ўзини ўзи банд қиладиган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият (хизматлар, ишлар) турлари рўйхатига киритилади;

г) 2020 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июлга қадар нодавлат (хусусий) музейлар, бадий галереялар ва хунармандчилик марказларининг асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи, мол-мулк ва ер солиқлари ҳамда айланмадан олинadиган солиқ ставкалари белгиланган миқдорга нисбатан 50 фоизга камайтирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда туризм соҳаси субъектларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

туристлар учун «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган туроператор томонидан «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими талабларига риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этилган саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юқтириб олган тақдирда, уларга 3 минг АҚШ доллари миқдорида компенсация тўловларини тўлаб бериш механизмларини жорий қилган ҳолда Хавфсиз туризм жамғармасини ташкил этиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ туроператорлар томонидан хорижий туристларга хизмат кўрсатиш карантин даврида фақат «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз объектлари реестрига киритилган туризм ва ёндош инфратузилма объектларида ташкил қилинади.

Белгилансинки:

Хавфсиз туризм жамғармаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инкирозга қарши курашиш жамғармасининг 20 миллиард сўм миқдордаги дастлабки тўлови, шунингдек, «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими доирасида жорий этилаётган ихтиёрий сертификатлаштиришдан ўтиш учун тўланадиган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридаги тўлов ҳисобидан шакллантирилади;

хорижий туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими мажбурий тартибда жорий этилади;

хорижий туристларга хизмат кўрсатишда «Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимида белгиланган шарт ва талабларнинг бузилишида айбдор бўлган ташкилотларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда 2021 йил 1 январидан бошлаб хорижий фуқаролар учун виза режимини янада либераллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур бўлган салмоқли капитал, юқори академик билимлар ёки ўзига хос кўникмаларга эга шахсларни Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат қилишга жалб этишни назарда tutувчи «Uzbekistan — my second home» («Ўзбекистон — менинг иккинчи уйим») иммиграция дастурини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тузиладиган туристик-рекреацион зоналарини (кейинги ўринларда — туристик зоналар) ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади ва қуйидаги қўшимча вазифаларни амалга оширади:

туристик зоналарнинг самарали бошқарувини ташкил қилиш;

туристик зоналар ҳудудида туризм инфратузилмаси объектларини барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инвестициявий шарт-шароитларни яратиш;

туристларнинг мақсадли тоифалари орасида туристик зоналарнинг салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича маркетинг ишларини олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири туристик зоналар маъмурий кенгашига раҳбарлик қилади;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ туризм соҳасидаги давлат активларини сотишдан тушган маблағларнинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тақсимланадиган қисми Бюджетдан ташқари жамғармага туризм инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш, мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш учун йўналтирилади;

г) туристик зоналар ҳудудида жойлашган ва давлатга тегишли бўлган мулкӣ комплекслар ҳамда ер участкаларини сотишдан тушадиган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

75 фоизи — тегишли туристик зоналар дирекциялари ҳисобига;

25 фоизи — Бюджетдан ташқари жамғарма ҳисобига;

д) туризм соҳасидаги «стартap» лойиҳалар ва инновацион бизнес ғояларни инкубация ёки акселерация дастурларига қабул қилиш учун номзодларни танлаш бўйича Маслаҳат кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакиллари киритилади.

6. «Чорвоқ» эркин туристик зонаси маъмурий кенгаши таркиби 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2020 йилда коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳолатларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш ҳамда мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан Бюджетдан ташқари жамғармага камида 10 миллиард сўм маблағ ажратсин;

2020 йил 1 июлгача «Ипак йўли» туризм халқаро университетининг профессор-ўқитувчилар, бошқарув, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллиги учун университетнинг ярим йиллик иш ҳақи фонди миқдоридаги маблағларни Бюджетдан ташқари жамғармага ўтказиб берсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида Бюджетдан ташқари жамғармага мамлакатнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилишни молиялаштириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг асослантилган талабномасига мувофиқ маблағ ажратилишини таъминласин;

2020 йил 1 октябргача Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда туризм соҳаси субъектлари хизматлари таннархини пасайтириш мақсадида уларга қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш, шунингдек, субсидиялар ажратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин:

муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардан ташқари туризм инфратузилмаси объектларини жойлаштириш учун ажратилган салоҳиятли ўрмон фонди ҳудудларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш;

сув омборлари ва ўрмон хўжаликларида туризм турларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳукумат қарорларининг ижросини мониторинг қилиш;

республика кинолокацияларини, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда хорижда тарғиб қилиш.

9. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тузилмасида қўйидаги лавозимлар жорий этилсин:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бўлинмаларидаги биттадан штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларида ҳокимнинг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозими ўрнига

тегишлича туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ҳоким ўринбосари лавозими.

Белгилансинки, мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг битта штат бирлигини қисқартириш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Транспорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, «Uzbekistan Airports» АЖ ва «Uzbekistan Airways» АЖнинг «Андижон» халқаро аэропортига «Заҳриддин Муҳаммад Бобур» номини бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Транспорт вазирлиги ва «Uzbekistan Airports» АЖ билан биргаликда икки ой муддатда мамлакатнинг ҳудудий халқаро аэропортларига энг яхши номларни аниқлаш бўйича оммавий танловни эълон қилсин ва унинг натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган авиакомпанияларнинг мурожаатларига кўра уларга парвозлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича чораларга риоя қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг ҳаво қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро келишувларига мувофиқ тайинланган (шу жумладан, қўшимча тарзда тайинланган) авиакомпания мақомини белгиланган тартибда берсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 1 январдан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи ягона тизимни яратиш ва жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Давлат солиқ қўмитасининг маълумотлар базасини туристик йиғим ҳисобини юритишнинг ягона тизими (кейинги ўринларда — Ягона тизим) билан интеграциялаш;

Давлат солиқ қўмитаси томонидан, шу жумладан, бронлаштириш тизимининг дастурий маҳсулотларини таҳлил қилиш орқали жойлаштириш воситаларининг бандлигини ўрганиш ва туристик йиғимларнинг тўлиқ тушуми устидан камерал назоратни амалга ошириш;

туристик йиғим тўловини қабул қилиш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан мувофиқлаштириладиган ахборот марказларида Ягона тизимнинг фаолият юритиши;

Ягона тизимни маҳаллий мобиль тўлов дастурлари ва халқаро тўлов тизимлари билан интеграциялаш;

Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари маълумотлари базасини маълумотларни узатиш режимида Ягона тизим билан интеграциялаш;

Ягона тизимдан фойдаланган ҳолда, туристик йиғим тўловининг тўланганлигини текшириш орқали хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакат ҳудудида бўлиши ҳамда ундан ўз вақтида чиқиб кетишини назорат қилиш механизмини йўлга қўйиш;

стационар даволаш хизматларини кўрсатувчи даволаш муассасаларини Ягона тизимга улаш бўйича қўшимча лицензия талабларини белгилаш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда икки ой муддатда Ягона тизимни яратишнинг техник топширигини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, Ягона тизим лойиҳаси давлат органларининг ахборот тизимларига хизмат кўрсатувчи компанияларни жалб қилган ҳолда, Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқиладди.

13. Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида рўйхатга олинган туроператорларга, истисно тариқасида, ушбу ҳудудларда хизмат кўрсатиш учун двигатель ҳажми 2,4 литрдан кам бўлмаган юқори ўтиш қобилятига эга транспорт воситалари импорт қилинаётганда божхона божини амалдаги ставканинг 50 фоизи миқдорида, қолган қисмини олиб кирилган сандан бошлаб 3 йил давомида тўлашга рухсат этилсин.

Белгилансинки, бунда ушбу транспорт воситаларига давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгиларининг алоҳида сериялари берилади ва улардан тегишинча фақат Бухоро, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудида фойдаланишга рухсат этилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги уч ой муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

а) Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Айдар-Арнасой қўллар тизими ҳудудида туристик зонани яратиш ва ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини:

янги «Ором қирғоғи» («Leisure Coast») туристик зонасида сувда дам олиш турлари ва пляж туризмни ривожлантириш;

Айдар-Арнасой қўллар тизимига йўловчиларни ташиш учун темир йўлларни ётқизиш қийматининг дастлабки ҳисоб-китобларини қилиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш;

тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантириш;

б) Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда

Тўдакўл кўли худудидида туристик зонани ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича сувда дам олиш турлари ва пляж туризмини ривожлантириш, темир йўл станцияларини қуриш мақсадга мувофиқлигини ўрганиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини ривожлантириш, қўлга йўловчиларни ташиш учун доимий автобус қатновларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда туризм ва унга ёндош инфратузилмани ривожлантиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини;

в) Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда Зомин туманида умуммавсумий, қишки ва ёзги дам олиш масканларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режасини.

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Молия вазирлигининг қуйидаги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

фуқароларнинг фаол дам олишини ташкил этиш (шаҳарда юриш, терренкур, трекинг ва хайкинг), касалланиш даражасини, шу жумладан, юрак хасталикларини камайтиришни назарда тутувчи «Пиёда туристик маршрут»;

хорижий мамлакатлар фуқароларига кўрсатиладиган тиббий хизматларни тизимлаштириш ва турларини кенгайтиришни назарда тутувчи «Uzbekistan — hope and healing land» («Ўзбекистон — умидли ва шифобахш замин») тиббий туризм дастурини ривожлантириш;

республиканинг маданий мерос объектлари худудларида белгиланмаган жойларда чиқинди ташлаганлик учун жарималарни ошириш, электр таъминотига «яшил» технологияларни жорий қилиш, чиқиндини утилизация қилиш, сув ресурсларидан унумли фойдаланишни назарда тутувчи «Clean&Eco».

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари билан биргаликда 2021 йил 1 январдан бошлаб «Ғишткўприк» (Тошкент вилояти) ва «Хайратон» (Сурхондарё вилояти) халқаро назорат-ўтказиш пунктларида мавжуд инфратузилма доирасида чегарадан тезкор ўтиш механизмлари — «Fast track» хизматини қуйидагиларнинг ташкил этилишини назарда тутган ҳолда жорий қилсин:

автотранспорт воситаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахсларнинг навбатдан ташқари паспорт ва божхона назорати жараёнларини тезлаштирган тартибда амалга ошириш учун алоҳида йўлак;

жисмоний шахсларнинг дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун шарт-шароитлар, шу жумладан, оналар ва болалар хоналари, овқатланиш шохобчалари ҳамда тижорат банклари филиалларини ташкил қилиш ва валюта айирбошлаш учун банкоматлар ўрнатган ҳолда «VIP» заллар.

Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

а) «VIP» залларни қуриш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя,

божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан қопланади;

б) «Fast track» хизмати пуллик асосда, шу жумладан, чегарани кесиб ўтишдан олдин 90 кун мобайнида олдиндан тўлов қилиш ёки мобиль иловалар орқали тўлаш имкониятини яратган ҳолда амалга оширилади;

в) хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар қуйидаги тартибда тақсимланади:

80 фоизи — Давлат божхона қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобига;

20 фоизи — Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳисобига.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа халқаро назорат-ўтказиш пунктларида «Fast track» хизматини жорий қилиш, уларнинг ўтказиш оқимини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган график асосида амалга оширилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мамлакатдаги туристик зоналарга автотранспорт воситалари (жамоат ва махсус транспортлар, шунингдек, туристик зоналар ҳудудида яшовчи аҳолининг автотранспорт воситаларидан ташқари) билан кириш учун йиғим ундириш механизмини жорий қилиш бўйича таклифларига розилик берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ҳафта муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни тасдиқласин:

хорижий ошхона ёки алоҳида йўналиш бўйича ихтисослашган тематик овқатланиш шохобчаларини, овқат ва озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, шунингдек, сувенир маҳсулотларини етказиб бериш бўйича хизматларни ташкил этиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига грантлар ажратиш;

янги туризм маҳсулотлари ва йўналишларини ишлаб чиқиш ва тарғиб қилиш учун гид ва туроператорларга грантлар ажратиш;

туризм соҳаси субъектларининг фоиз харажатларини субсидиялаш;

жойлаштириш бўйича хизматлар (меҳмонхона хизматлари) нархининг

10 фоизи миқдорида жойлаштириш воситаларини субсидиялаш;

туроператорлар ва турагентларга Ўзбекистон Республикасига олиб келинган ва хизмат кўрсатилган ҳар бир хорижий турист учун рағбатлантирувчи субсидиялар ажратиш;

ҳаво ва темир йўл чипталари учун туроператорларнинг харажатларини қисман субсидиялаш;

меҳмонхоналарнинг тоифа олиш ва уни кўтариш учун реновация, реконструкция ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича харажатларини қоплаш;

туризм мақсадида йўловчи ташувчи янги дор йўлларини қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларини қоплашга маблағ ажратиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида саёҳат давомида хорижий туристлар коронавирус (COVID-19) инфекциясини юктириб олган тақдирда, уларга компенсация тўловларини тўлаб бериш;

«Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизими доирасида ихтиёрий сертификатлаш, шунингдек, сертификатлаш учун тўловларни амалга ошириш;

«Uzbekistan. Safe travel GUARANTEED» тизимининг хавфсиз объектлари реестрини юритиш;

б) бир ой муддатда туризм ҳудудларига транспорт воситалари билан кириш учун йиғим ундириш тартиби тўғрисидаги низомни йиғимни ундиришнинг аниқ механизмлари ва миқдорларини, шунингдек, йиғимни тегишли туристик зона Дирекциясига йўналтиришни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

в) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қўйидаги таклифларни киритсин:

ов қилиш ҳуқуқига доир рухсатнома берганлик учун давлат божи миқдорини ошириш;

ов қуролини ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқдориларини, шунингдек, тигли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш учун тўланадиган йиғим миқдорини ошириш.

19. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси:

коронавирус пандемиясининг туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилишини инобатга олган ҳолда ва хавфсиз туризмни ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратиб, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалари тузилмасига умумий белгиланган штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритсин;

келажакда инқироз ҳолатларини прогноз қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган вазиятнинг ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек, уларнинг мамлакат туризм соҳасига салбий таъсирини камайтириш бўйича олдини олиш чораларини амалга ошириш мақсадида ҳар ойда юзага келган пандемия билан боғлиқ вазиятни комплекс таҳлил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

21. Вазирлик ва идоралар икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

22. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

касининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 19 июнь,
ПҚ-4755-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 19 июндаги
ПҚ-4755-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2666-сон қарорида:

қуйидаги мазмундаги 9¹-банд билан тўлдирилсин:

«9¹. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига ўз идоравий вазифаларини амалга ошириш учун учувчисиз учиш аппаратларни сотиб олиш, олиб кириш, сақлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш ваколати берилсин»;

иловининг рус тилидаги матни 7-банди «д» кичик бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«проводит обязательную сертификацию услуг туроператора, средств размещения, горнолыжных трасс и пляжей, а также устанавливает классификацию средств размещения, горнолыжных трасс и пляжей».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3217-сон қарорида:

2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Мувофиқлаштирувчи кенгаш) 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин»;

11-банддаги «2022 йил 1 январга қадар» сўзлари «2023 йил 31 декабрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3514-сон қарорининг 8-бандидаги «3 йил муддатга» сўзлари «2023 йил 31 декабрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрда-

ги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3953-сон қарори билан тасдиқланган Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхати қуйидаги мазмундаги 37-банд билан тўлдирилсин:

«37. Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини тарғиб қилишга йўналтирилган хорижий компанияларнинг продюсерлик ва реклама хизматлари, хорижий телерадиокомпаниялар ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг рекламалар, репортажлар ва бошқа роликларни тайёрлаш ва трансляция қилиш бўйича хизматлари».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4095-сон қарорида:

3-бандининг «б» кичик бандидаги «2022 йил 1 январгача» сўзлари «2023 йил 31 декабргача» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банд «меҳмонхона брендларининг топ-50» сўзларидан кейин «ва меҳмонхона тармоқларининг топ-5» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февралдаги «Қишки спорт турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4583-сон қарорининг 6 ва 9-бандлари ўз кучини йўқотган деб топилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ****264 Ўзбекистон Республикасининг аэропортлари ва ҳаво
ҳудудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун
ййғим, тарифларни шакллантириш ва ундириш қоидаларини
тасдиқлаш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 июнда рййхатдан йтказилди, рййхат рақами 3244*

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ–5584-сон «Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 13 августдаги ПФ–5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасининг аэропортлари ва ҳаво ҳудудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун ййғим, тарифларни шакллантириш ва ундириш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Вазир**Э. ГАНИЕВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 май,
9-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг 2020 йил 1 майдаги
9-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг аэропортлари ва ҳаво
худудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун йиғим,
тарифларни шакллантириш ва ундириш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 ноябрдаги ПФ–5584-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 13 августдаги ПФ–5781-сон «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) тавсияларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида парвозларни амалга оширувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун аэропорт ва аэронавигация йиғим ва тарифларини шакллантириш ҳамда ундириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
аэронавигация хизматларини кўрсатиш (аэронавигация хизматлари) — ҳаво кемалари эксплуатантларига ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича хизматларни тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳаво худудида ҳаво кемалари парвозларига аэронавигация хизматларини кўрсатиш (транзит фойдаланишда);

Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси аэродромлари худудида ҳаво кемаларига йўналишда (яқинлашишда) ва учиш-қўнишни таъминлашда кўрсатиладиган хизматлардан иборат аэронавигация хизматларини кўрсатиш;

максимал учиш массаси (вазни) (MTOW) — ҳаво кемасининг тонналарда акс этган, икки ўнлик белгисигача яхлитланган сертификатланган учиш вазни;

ҳаво кемаларига ер усти хизматларини кўрсатиш — ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишдан ташқари, ҳаво кемаси аэропортга учиб келиши ва аэропортдан учиб кетиши учун зарур бўлган хизматларни кўрсатиш;

ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш — парвозда маълумот хизматлари кўрсатилиши, авария тўғрисида хабар етказилиши, ҳаводаги ҳаракатга консултив ва диспетчерлик хизматларининг кўрсатилиши (ҳудудда диспетчерлик хизматини кўрсатиш, яқинлашишда ёки аэродромда диспетчерлик хизматларини кўрсатиш);

ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича ваколатли орган — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги «Ўзаэронавигация» Маркази давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикасида ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича ваколатли орган ҳисобланади;

парвоз режаси (флайт план) — ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатувчи ташкилотга ҳаво кемасининг режалаштирилган парвози ёки парвознинг бир қисми тўғрисида тақдим этилган маълумотлар;

аэродром ҳудуди — горизонтал ва вертикал текисликларда белгиланган чегараларда аэродром ва унга туташган жойларнинг ҳаво ҳудуди;

ортодромия бўйича масофа — иккита нуқтани боғловчи катта айлананинг энг қисқа ёйи узунлиги;

йиғим — фуқаро авиацияси учун восита ва хизматларни тақдим этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида белгиланадиган ва ундириладиган сумма;

тариф — белгиланган хизмат кўрсатиш бирлиги нархи;

«А» шакл — Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси (IATA) стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикаси аэропортларида хорижий авиакомпанияларнинг ҳаво кемаларига хизмат кўрсатишда расмийлаштириладиган бажарилган ишлар далолатномаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси аэропортларининг ер усти хизматларини кўрсатиш тўғрисида тузиладиган намунавий келишувига илова қилинади;

«Р» шакл — парвозларни бажариш даври, ҳаво кемасининг аэропортга учиб келиши ва кетиши санаси, вақти, ҳаво кемасининг тури ва йўловчи ташиш сифими, авиаташувчига парвозларни бажариш ҳуқуқларини берадиган ҳамда Авиация маъмурияти томонидан тасдиқланадиган парвозлар жадвали.

2. Аэропорт ва аэронавигация йиғим ва тарифлари Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ва ҳаво ҳудудида хизмат кўрсатиш учун белгиланади ҳамда мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда эксплуатант давлати томонидан берилган эксплуатант сертификати, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳаво қатнови тўғрисидаги халқаро шартномалари асосида тақдим этилган тегишли рухсатномаларга эга бўлган республика ва хорижий ҳаво кемалари эксплуатантларидан ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун йиғим ва тарифлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ҳамда Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) тавсияларига мувофиқ шакллантирилади.

4. Аэронавигация йиғимлари Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудида ҳаво кемалари парвозларига кўрсатилган хизматлар учун ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича ваколатли орган томонидан Европа аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилотининг (EUROCONTROL) Йўналишда аэронавигация хизматлари учун йиғимларни ҳисоблаш асосини яратиш ва хизмат кўрсатиш бирлигига тарифларни ҳисоблаш принцип-

лари методикасига (Дос 99.60.01, 1999 йил 1 февраль) мувофиқ шакллантирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси аэропортлари ва ҳаво ҳудудида фуқаро авиацияси корхоналари томонидан ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун қўлланиладиган аэропорт ва аэронавигация йиғим ва тарифлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эълон қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш икки ёки ундан ортиқ ташкилот томонидан таъминланганда, ҳаво кемаларига ер усти хизматларини кўрсатиш бўйича аэропорт йиғим ва тарифлари ҳар бир ташкилот учун алоҳида тегишли хизматлар тақдим этилиши учун белгиланади. Бунда ҳаво кемалари эксплуатантлари ёки улар томонидан ваколат берилган вакиллар ушбу ташкилотлар билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда, тегишли шартномалар асосида, шартнома бўлмаган тақдирда эса, хизмат кўрсатиш вақтида амал қилаётган тариф ва йиғимлар бўйича амалга оширади.

7. Аэропорт ва аэронавигация йиғим ва тарифлари Ўзбекистон Республикаси аэропортлари ва ҳаво ҳудудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатишда ички ва халқаро ташувларни амалга оширадиган ҳаво кемалари учун табақалашган тарзда белгиланади.

Бунда, Ўзбекистон Республикасининг резидент эксплуатантлари учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона йиғим ва тарифлар белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси аэропортлари ва ҳаво ҳудудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун аэропорт ва аэронавигация йиғим ва тарифлари ҳаво кемалари эксплуатантларига тақдим этиладиган хизматлар учунгина ундирилади.

9. Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатишда ундириладиган йиғим ва тарифлар ҳаво кемаларининг барча эксплуатантлари учун мажбурий тўлов ҳисобланади.

10. Аэропорт ва аэронавигация хизматларини кўрсатиш ва амалга ошириш харажатларини аниқлашда, хизматларни кўрсатиш тарифларини ҳисоблаб чиқишда фуқаро авиацияси корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом ҳамда 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга амал қилишлари керак.

11. Мазкур Қоидаларда назарда тутилмаган йиғим ва тарифларни жорий этиш, жамлаш (консолидация) ва чиқариб ташлаш Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги билан мажбурий тартибда келишилиши шарт.

12. Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»-

ги Қонунига мувофиқ табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган (реализация қилинадиган) аэропорт ва аэронавигация хизматлари (аэронавигация хизматлари соҳаси — ҳаводаги ҳаракатни бошқариш, парвозларнинг радиотехник таъминоти, аэронавигация ахборотларини тақдим этиш ҳамда аэропорт хизматлари соҳаси — самолётларнинг учишини таъминлаш, йўловчиларга хизмат кўрсатиш, юklar, почта ва багажларга ишлов бериш хизматлари) йиғим ва тарифларини ёки уларнинг максимал (энг юқори) даражасини белгилаш ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

2-боб. Аэропорт йиғим ва тарифлари

1-§. Ўзбекистон Республикаси аэропортларида ер усти хизматларини кўрсатиш учун йиғим ва тарифларни шакллантириш

13. Аэропортда қуйидаги ер усти хизматларини кўрсатиш учун йиғим ва тарифлар ундирилади:

- 1) учиш ва қўнишни таъминлаш йиғими;
- 2) тунги вақтда ҳаво кемаси учиш-қўнишини таъминлаш йиғими;
- 3) авиация хавфсизлигини таъминлаш йиғими;
- 4) йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш йиғими;
- 5) юк, почта хавфсизлигини таъминлаш йиғими;
- 6) меъёрдан ортиқ вақт давомида тўхтаб туриш йиғими;
- 7) аэровокзалдан фойдаланиш йиғими;
- 8) учиб кетишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш тарифи;
- 9) учиб келишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш тарифи;
- 10) белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган багажга хизмат кўрсатиш тарифи;
- 11) юklarга ишлов бериш тарифи;
- 12) почтага ишлов бериш тарифи;
- 13) авиакомпаниялар томонидан аэропортда йўловчиларни рўйхатга олиш тизимидан фойдаланиш тарифи;
- 14) телескопик трапни тақдим этиш тарифи;
- 15) ҳаво кемасига регламент шакллари бўйича техник хизмат кўрсатиш тарифи;
- 16) ҳаво кемасини қабул қилиш ва парвозга тайёрлашни таъминлаш тарифи;
- 17) ҳаво кемасининг ичини тозалаш тарифи;
- 18) метеотаъминот тарифи;
- 19) парвозолди маълумот бюллетенини (ПМБ) тақдим этиш тарифи;
- 20) авиация ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш тарифи;
- 21) йўловчиларга махсус хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар тарифи;
- 22) ногиронлар аравачасини тақдим этиш тарифи;
- 23) йўловчиларнинг иммиграция назорати бўйича хизматлар тарифи;
- 24) экипажни етказиш учун транспорт тақдим этиш тарифи;

25) экипажни меҳмонхонага етказиш учун транспорт тақдим этиш тарифи;

26) ҳаво кемасини шахсий қўриқлаш тарифи;

27) ҳаво кемаларини жойлаштириш тарифи;

28) ҳаво кемасини шатакка олиш тарифи;

29) санитария узелларида (ҳожатхоналар) хизмат кўрсатиш тарифи;

30) ичимлик суви билан таъминлаш тарифи;

31) электр энергиясини етказиш тарифи;

32) ҳаво ҳароратини сақлаш (иситиш) тарифи;

33) ҳаво кемаларини техник воситалардан фойдаланган ҳолда ташқаридан қор ва муздан тозалаш тарифи;

34) авиадвигателларга мой қуйиш (тўкиш) тарифи;

35) тизимни кислород билан таъминлаш тарифи;

36) тизимни азот ёки сиқилган ҳаво билан таъминлаш тарифи;

37) авиадвигателларнинг махсус ускуна ёрдамида ҳаво орқали ишга туширилишини таъминлаш тарифи;

38) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ишларни бажариш учун ходимлар билан таъминлаш тарифи;

39) автонарвон, автокранни тақдим этиш тарифи;

40) ҳаво кемасини кузатиб борувчи транспорт воситасини тақдим этиш тарифи;

41) тез ёрдам машинасини тақдим этиш тарифи;

42) ногиронлиги бўлган шахслар учун транспорт воситасини (автолифтни) тақдим этиш тарифи;

43) аэропортнинг иш регламентини узайтириш йиғими;

44) слотларни бузганлик учун йиғим;

45) ҳаво кемасини борт таомлари билан таъминлаш тарифи.

14. Учиш-қўнишни таъминлаш йиғими ҳаво кемаларининг аэродромга қўниши ва учишини таъминлаш, шу жумладан, қўйдаги хизматлар учун белгиланади:

а) учиш-қўниш йўлаги, ҳаракатланиш йўлаклари ва перронларни тақдим этиш;

б) аэродромни ёритиш (техник таъминоти);

в) аэропорт ҳудудида ер усти кидирув-қутқарув таъминоти;

г) аэропорт ҳудудида авариядан қутқариш ва ёнғинга қарши курашиш таъминоти;

д) аэропорт ҳудудида парвозлар хавфсизлигининг орнитологик таъминоти;

е) қўнишдан кейин ҳаво кемасига аэродромда 3 соат давомида, қўниш аэропортида ишлов бериш (юк ортиш ва/ёки тушириш) лозим бўлган юк (почта) мавжуд бўлганда юк ташувчи ҳаво кемаларига 6 соат давомида тўхтаб туриш жойини тақдим этиш.

Йиғим тарифи ҳаво кемасининг учишга яроқлилиқ сертификатига кўрсатилган максимал учиш массасининг ҳар бир тоннаси учун белгиланади ва ҳаво кемаси учиб кетиши олдидан ундирилади.

Тўлов белгиланган тариф ва ҳаво кемасининг учишга яроқлилиқ сертификатида кўрсатилган максимал учиш массаси асосида ҳисобланади.

Ҳар бир ҳаво кемасининг учиши ва қўниши битта хизмат сифатида баҳоланади.

15. Тунги вақтда ҳаво кемасининг учиш-қўнишини таъминлаш йиғими 1 октябрдан 31 мартгача маҳаллий вақт билан 17.00 дан 08.00 гача ва 1 апрелдан 30 сентябргача маҳаллий вақт билан 20.00 дан 06.00 гача амалга оширилган ҳар бир қўниш ёки учиш учун учиш-қўнишни таъминлаш йиғимининг 20 фоизгача бўлган миқдорида қўшимча тўлов ундирилади, бунда қўниш ҳам, учиш ҳам тунда амалга оширилишидан қатъи назар бир маротаба ундирилади.

16. Авиция хавфсизлиги мақсадида ундириладиган аэропорт йиғимлари қуйидаги хизматлар учун олинади:

а) фуқаро авициясини ноқонуний аралашув ҳаракатларидан ҳимоя қилиш;

б) аэропортнинг назоратдаги ҳудудини, аэропорт фаолиятини таъминловчи объектларни ва фуқаро авиацияси ҳаво кемаларини қўриқлаш;

в) ҳаво кемаси экипажлари аъзоларини авиация хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтказиш;

г) ҳаво кемалари, борт захиралари, борт озиқ-овқатларини авиация хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтказиш;

д) йўловчиларни, қўл юкларини ва багажларни авиация хавфсизлигига текширувдан ўтказиш;

е) почта, юк ва тезкор жўнатмаларни авиация хавфсизлиги бўйича текширувдан ўтказиш.

Авиция хавфсизлиги учун аэропорт йиғимлари миқдори аэропорт томонидан белгиланади.

17. Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида авиция хавфсизлиги учун аэропорт йиғимлари:

а) аэровокзал комплексларида йўловчилар оқимини теле ва видео воситалар орқали кузатиш;

б) махсус воситаларни қўллаш ва ностандарт вазиятларга нисбатан зудлик билан муносабат билдиришга қодир бўлган ходимларни жалб этиш учун белгиланади.

Йиғим Ўзбекистон Республикасидан ташқарига учиб кетаётган икки ва ундан катта ёшдаги ҳар бир йўловчи учун белгиланади.

Тўлов белгиланган йиғим ва учиб кетаётган икки ва ундан катта ёшдаги йўловчилар сони асосида ҳисобланади.

18. Юк, почта хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ундириладиган авиция хавфсизлиги учун аэропорт йиғимлари:

а) рентген ускунасидан фойдаланган ҳолда авиация хавфсизлиги текширувидан ўтказиш;

б) портловчи моддаларни аниқлаш тизимидан фойдаланган ҳолда авиация хавфсизлиги текширувидан ўтказиш;

в) қўлда текшириш;

г) юкка (почтага) тегилишининг олдини олиш мақсадида теле ва видео воситалар орқали кузатиш учун белгиланади.

Йиғим Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жўнатилган, ишлов берилган юкнинг (почтанинг) ҳар бир тоннаси учун белгиланади.

Тўлов белгиланган йиғим ва ишлов берилган юк, почтанинг юкхатларида қайд этилган миқдори асосида ҳисобланади.

19. Меъёрдан ортиқ вақт давомида тўхтаб туриш йиғими йўловчи ташувчи ҳаво кемаларига қўнгандан кейин аэродромда 3 соатдан ортиқ, юк ташувчи ҳаво кемаларига қўниш аэропортида ишлов бериладиган (юк ортиш ва/ёки тушириш) юк (почта) мавжуд бўлганда 6 соатдан ортиқ вақтга тўхтаб туриш жойини тақдим этиш учун белгиланади.

Йиғим тарифи ҳар 24 соат ёки унинг бир қисми учун учиш-қўниш йиғимининг 25 фоизигача бўлган миқдорда белгиланади.

Йиғим белгиланган тариф ва ҳаво кемасининг меъёрдан ортиқ тўхтаб туриш вақти асосида белгиланади. Меъёрдан ортиқ тўхтаб туриш вақти ҳаво кемасининг норматив вақтига ва яна 15 дақиқага камайтирилган (ерда ҳаракатланиш) қўниш ва учиш вақти ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади.

20. Аэровокзалдан фойдаланиш йиғими аэровокзал ҳудуди ва биносида учиб кетаётган йўловчиларга (аэропорт ҳудудига келгандан бошлаб рўйхатдан ўтиш бошлангунча) ва учиб келаётган йўловчиларга (ҳаво кемасидан аэровокзалга келган вақтдан бошлаб аэропорт ҳудудидан чиқиб кетгунча) белгиланган технологияга мувофиқ сервис хизматларини кўрсатиш, шу жумладан:

а) вокзал олди ҳудудини тақдим этиш;

б) вестибюль, маълумот-ахборот зонаси, хоналар ва кутиш жойларини тақдим этиш;

в) йўловчиларга шартли қўшимча хизматларни кўрсатиш хоналарини тақдим этиш (она ва бола хоналари, тиббий ёрдам пункти, ҳожатхона ва фойдаланиш учун алоҳида тўлов ундирилмайдиган бошқа хоналар);

г) йўловчиларни ахборот (маълумот) билан таъминлаш учун белгиланади.

Йиғим учиб кетаётган ҳар бир икки ва ундан катта ёшдаги йўловчига белгиланади. Тўлов учиб кетаётган икки ва ундан катта ёшдаги йўловчилар сони ва белгиланган йиғим асосида ҳисобланади.

21. Учиб кетишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш тарифи учиб кетаётган йўловчиларни рўйхатга олиш ва ҳаво кемасига чиқариш (шу жумладан, транзит зоналарда хизмат кўрсатиш) ҳамда белгиланган меъёр доирасида багажга ишлов бериш чоғида тақдим этиладиган хизматлар, шу жумладан:

а) йўловчиларни рўйхатга олиш, багаж вазнини ўлчаш ва расмийлаштириш;

б) йўловчилар паспорт ва божхона назоратидан ўтишини таъминлаш учун техник воситаларни тақдим этиш;

в) багажни транспорт воситаларига жойлаш;

г) багажни ортиш, тушириш, аэровокзал биноси ва ҳаво кемаси ўртасида транспортда ташиш ҳамда багажни бериш;

д) рейс натижаларини умумлаштириш ва топшириш, юклаш учун ҳаво кемасининг багаж люклари рақамлари тўғрисидаги маълумотларни етказиш, бўш жойлар мавжудлигини аниқлаш, рўйхатга олиш натижаларини умумлаштириш, дастлабки ва якуний босқичда йиғма юклаш ведомостини тузиш, рейс ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳужжатларни экипажга етказиш, ҳаво кемасига юкланишни назорат қилиш;

е) йўловчиларни йиғиш ва ҳаво кемасигача кузатиб бориш, ҳаво кемасига чиққанидан кейин йўловчилар сонини текшириш;

ж) йўловчиларни ҳаво кемасигача етказиш ва ҳаво кемасига чиқаришни таъминлаш учун ходимлар, техник ва транспорт воситаларини тақдим этиш;

з) ҳаво кемасининг тижорат юкланиши тўғрисидаги маълумотларни бориш белгиланган аэропортга етказиш учун белгиланади.

Тариф учиб кетаётган икки ва ундан катта ёшдаги ҳар бир йўловчи учун белгиланади. Тўлов учиб кетаётган икки ва ундан катта ёшдаги йўловчилар сони ва белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

22. Учиб келишда йўловчиларга хизмат кўрсатиш тарифи учиб келаётган йўловчиларни кутиб олиш ва аэровокзал биносигача кузатиб бориш, багажга ишлов бериш чоғида кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан:

а) йўловчиларни ҳаво кемасидан тушириш ва аэровокзал биносигача етказишни таъминлаш учун ходимлар, техник ва транспорт воситаларини тақдим этиш;

б) учиб келаётган йўловчиларни кутиб олиш ва аэровокзалгача кузатиб бориш;

в) йўловчилар паспорт ва божхона назоратидан ўтишини таъминлаш учун техник воситаларни тақдим этиш;

г) багажни тушириш ва ҳаво кемаси билан аэровокзал биноси ўртасида транспортда ташиш, шунингдек, багажни бериш;

д) багажни қидириш хизматлари;

е) рейс натижаларини умумлаштириш ва топшириш учун белгиланади.

Тариф учиб келаётган икки ва ундан катта ёшдаги ҳар бир йўловчи учун белгиланади.

Тўлов учиб келган икки ва ундан катта ёшдаги йўловчилар сони ва белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

23. Белгиланган меъёрдан ортиқ бўлган багажга хизмат кўрсатиш тарифи белгиланган меъёрдан ортиқ багажга ишлов бериш хизматлари, шу жумладан:

а) меъёрдан ортиқ багаж вазнини ўлчаш ва расмийлаштириш;

б) меъёрдан ортиқ багажни транспорт воситаларига жойлаш;

в) меъёрдан ортиқ багажни аэровокзал биносидан ҳаво кемасигача бориш ва қайтишда транспортда ташиш;

г) меъёрдан ортиқ багажни ҳаво кемасига/дан ортиш, тушириш;

- д) меъёрдан ортиқ багажни бериш;
- е) ҳужжатларни расмийлаштириш учун белгиланади.

Бепул багаж меъёри ҳар бир эксплуатант томонидан мустақил равишда белгиланади ва аэропорт ходимлари эътиборига белгиланган тартибда етказилади.

Тариф учиб кетишда хизмат кўрсатилган белгиланган меъёрдан ортиқ багажнинг ҳар бир тоннаси учун белгиланади.

Тўлов белгиланган меъёрдан ортиқ жўнатилаётган багаж миқдори ҳамда белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

24. Юкларга ишлов бериш тарифи етказилган ва жўнатилаётган юкларга ер устида ишлов беришда кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан:

- а) вазни ўлчаш ва белги қўйиш (маркировка);
- б) омборда саралаш, шу жумладан, юк қабул қилувчилар бўйича саралаш, ҳужжатларни расмийлаштириш;
- в) рейслар бўйича комплектларни шакллантириш, шу жумладан, контейнер ва поддонларга жойлаштириш, комплектларга ажратиш;
- г) белгиланган муддатларда қисқа вақт сақлаш;
- д) ҳаво кемасига олиб бориш ва ундан олиб қайтишда транспортда ташиш учун перрондаги юклаш-тушириш воситаларига ортиш-тушириш;
- е) ҳаво кемасига транспортда олиб бориш ва олиб қайтиш;
- ж) ҳаво кемасига юкланишни назорат қилиш;
- з) ҳаво кемасига/дан юклаш ва тушириш учун белгиланади.

Тариф ишлов берилган (етказилган ёки жўнатилаётган) юкнинг ҳар бир тоннаси, шу жумладан, аэропорт ҳудудида транспорт воситасидан тушириш, транспорт воситасига юклаш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва ишлов берилган юкнинг (етказилган ёки жўнатилаётган) юкхатида кўрсатилган вазни асосида ҳисобланади.

25. Почтага ишлов бериш тарифи етказилган ва жўнатилаётган почтага ер устида ишлов беришда кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан:

- а) вазни ўлчаш ва белги қўйиш (маркировка);
- б) омборда саралаш, шу жумладан, юк қабул қилувчилар бўйича саралаш, ҳужжатларни расмийлаштириш;
- в) рейслар бўйича комплектларни шакллантириш, комплектларга ажратиш;
- г) белгиланган муддатларда қисқа вақт сақлаш;
- д) ҳаво кемасига олиб бориш ва ундан олиб қайтишда транспортда ташиш учун перрондаги юклаш-тушириш воситаларига ортиш-тушириш;
- е) ҳаво кемасига транспортда олиб бориш ва олиб қайтиш;
- ж) ҳаво кемасига юкланишни назорат қилиш;
- з) ҳаво кемасига/дан юклаш ва тушириш учун белгиланади.

Тариф ишлов берилган (етказилган ёки жўнатилаётган) почтанинг ҳар бир тоннаси, шу жумладан, аэропорт ҳудудида транспорт воситасидан тушириш, транспорт воситасига юклаш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва ишлов берилган (етказилган ёки жўнатилаётган) почтанинг почта юкхатида кўрсатилган вазни асосида ҳисобланади.

26. Авиакомпаниялар томонидан Ўзбекистон Республикаси аэропортларида йўловчиларни рўйхатга олиш тизимидан фойдаланиш тарифи ҳар бир учиб кетаётган йўловчи учун белгиланади.

Тўлов учиб кетаётган йўловчилар сони ва белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

27. Телескопик трапни тақдим этиш тарифи битта телескопик трапнинг ҳаво кемасига ҳар бир етказилиши учун белгиланади. Тўлов етказиб беришлар сони ва белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

28. Ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш регламент шакллари бўйича техник хизмат кўрсатиш тарифи транзит А-I шакли бўйича техник хизмат кўрсатиш регламентида белгиланган мажбурий ишлар комплекси бўйича ёки хизмат кўрсатилаётган ҳаво кемасининг тури ва/ёки учиб массасига кўра шу каби мақсадлар учун мўлжалланган регламентнинг бошқа шакллари бўйича ҳаво кемалари парвозларига муҳандислик-авиация хизматлари кўрсатилиши учун белгиланади (экипаж ёки буюртмачи талабномасига биноан амалга ошириладиган қўшимча ишлардан ташқари).

Тариф ҳаво кемаси тури бўйича ва/ёки хизмат кўрсатилаётган ҳаво кемасининг максимал учиб массасига мувофиқ ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатиш сони асосида ҳисобланади.

29. Ҳаво кемасини қабул қилиш ва парвозга тайёрлашни таъминлаш тарифи ҳаво кемасини қабул қилиш ва парвозга тайёрлашни таъминлаш бўйича кўрсатилган хизматлар, шу жумладан:

а) тўхтаб туриш жойини тайёрлаш ва тўхтаб туриш жойида ҳаво кемасини қабул қилиш;

б) шасси филдираклари остига тўхтатиш колодкаларини ўрнатиш;

в) тўхтатиш колодкаларини йиғиб олиш;

г) ҳаво кемасини ерга сим билан улаш;

д) ҳаво кемаси билан боғланиш мосламаси ёки перрон ва экипаж кабинаси ўртасидаги радиоалоқа орқали экипаж билан алоқа ўрнатиш;

е) двигателлар ишга туширилишини назорат қилиш;

ж) ҳаво кемаси ҳаракатланишига рухсат бериш;

з) ҳаво кемасининг тўхтаб туриш жойидан чиқиш ҳаракатини назорат қилиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемаси тури бўйича ва/ёки хизмат кўрсатилаётган ҳаво кемасининг максимал учиб массасига мувофиқ ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони асосида ҳисобланади.

30. Ҳаво кемасининг ичини тозалаш тарифи ҳаво кемаси ичини тозалаш технологиясида назарда тутилган комплекс ишларни таъминлаш, шу жумладан:

а) чиқиндиларни чиқариб ташлаш;

б) креслолар суягичининг чўнтаклари ва юқоридаги багаж полкаларидан чиқиндиларни чиқариб ташлаш;

в) йўловчи креслолари, улардаги жиҳозларни тозалаш ва тартибга келтириш, шу жумладан, хавфсизлик камарларини текислаш ва пледларни тарқатиш;

г) креслоларнинг бош қисми учун бир марталик салфеткаларни алмаштириш;

д) полларни тозалаш, шу жумладан, ишни махсус ускуналардан фойдаланган ҳолда (чангютгич) амалга ошириш;

е) чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва йўқ қилиш учун белгиланади.

Тариф хизмат кўрсатилаётган ҳаво кемасининг максимал учиш масса-сига мувофиқ ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Тўлов хизмат кўрсатиш сони ва белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

Креслоларнинг бош қисми учун бир марталик салфеткалар қиймати тарифга киритилмайди.

31. Метеотаъминот тарифи Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясининг метеорология таъминоти бўйича норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳажмда аэропортларда экипажларга метеорология маълумотини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф хизмат кўрсатилаётган ҳаво кемасининг максимал учиш масса-сига мувофиқ ҳар бир учиш-қўниш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва учиш-қўнишлар сони асосида ҳисобланади.

32. Парвозолди маълумот бюллетенини (ПМБ) тақдим этиш тарифи ҳаво кемаси экипажларига парвозларни ер усти аэронавигация маълумотлари билан таъминлаш, шу жумладан, аэродромлар ва ҳаво трассалари бўйича аэронавигация маълумотларини ҳамда аэронавигация вазиятидаги ўзгаришларни шакллантириш ва тақдим этиш (шартнома асосида ёки ҳаво кемаси эксплуатанти талабномаси бўйича) хизматларини кўрсатиш учун белгиланади.

Тариф ушбу аэропортдан ҳаво кемасининг ҳар бир учиш-қўниши учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф асосида мазкур аэропортдан ҳаво кемаларининг ҳақиқий учиш-қўниш сони бўйича ҳисобланади.

33. Авиация ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш тарифи ҳаво кемаларини ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш бўйича комплекс хизматларни тақдим этиш, шу жумладан:

а) ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашни ташкил этиш;

б) ёқилғи-мойлаш материалларини сақлаш;

в) ёқилғи-мойлаш материаллари сифатини таҳлил қилиш;

г) ёқилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш ва бериш;

д) ҳаво кемаларига ёқилғи-мойлаш материалларини қуйиш учун ходимлар ва техник воситаларни тақдим этиш;

е) фуқаро авиациясида қабул қилинган талаб ва қоидаларга ҳамда ҳаво кемаларини ёқилғи билан таъминлаш бўйича белгиланган хизмат кўрсатиш технологиясига мувофиқ бошқа хизматлар учун белгиланади.

Тариф қуйилган ёқилғи-мойлаш материалларининг ҳар бир тоннаси учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва қуйилган ёқилғи-мойлаш материаллари миқдори (тонна) асосида ҳисобланади. Бир тонна ёқилғи-мойлаш материалларининг нархи алоҳида белгиланади ва ушбу тарифга киритилмайди.

34. Йўловчиларга махсус хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар тарифи ихтисослашган зоналар, секторлар ва юқори қулайликларга эга хоналар ҳамда алоҳида муҳим шахслар хоналари орқали учиб кетаётган ва кетаётган йўловчиларга аэропортнинг ички технологиясига биноан махсус сервис хизматларини кўрсатиш бўйича хизматлар учун белгиланади.

Тариф учиб кетаётган ёки кетаётган (белгиланган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда) ҳар бир йўловчи учун махсус хизмат кўрсатиш секторлари бўйича алоҳида белгиланади.

Тўлов кетаётган ёки кетаётган йўловчилар сони ва белгиланган тариф бўйича қуйидаги тартибда ҳисобланади:

- а) икки ёшгача бўлган болалар учун тўлов олинмайди;
- б) катталар билан бирга бўлган икки ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар учун тўлов белгиланган тарифнинг 50 фоизигача миқдорида ундирилади;
- в) катталар билан бирга бўлмаган икки ёшдан ўн икки ёшгача бўлган болалар учун тўлов тўлиқ тариф бўйича ундирилади;
- г) ўн икки ёш ва ундан катта ёшдаги йўловчилар учун белгиланган тариф бўйича ундирилади.

35. Ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини тақдим этиш тарифи учиб кетишда ҳаво кемаси трапигача ёки учиб келишда трапдан аэровокзалдан чиқишгача жисмоний имкониятлари чекланган йўловчиларни кузатиб бориш учун белгиланади.

Аэропорт кузатувчиси билан ногиронлиги бўлган шахслар аравачаси фақатгина рўйхатга олиш жойидан текшириш пунктлари орқали ҳаво кемаси трапигача тақдим этилади.

Ногиронлиги бўлган шахслар аравачасида ҳаракатланадиган йўловчилар учун самолётга чиқишда устуворлик ҳуқуқи тақдим этилади.

Тариф битта ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини бир марта тақдим этиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади.

36. Иммиграция назорати бўйича хизматлар тарифи махсус техник воситалар ёрдамида йўловчиларнинг бориши белгиланган мамлакатга йўловчилар кириши қонунийлигининг иммиграция назоратини амалга ошириш хизмати учун белгиланади.

Тариф ҳар бир кетаётган йўловчи учун белгиланади. Тўлов учиб кетаётган йўловчилар сони ва белгиланган тариф асосида ҳисобланади.

Иммиграция назорати хизмати алоҳида шартнома асосида тақдим этилади.

37. Экипажни етказиш учун транспорт тақдим этиш тарифи экипажни аэропорт ҳудудида ҳаво кемасига олиб бориш ва ҳаво кемасидан олиб қайтиш учун ходимлар ва транспорт воситалари билан таъминлаш учун белгиланади.

Тариф экипаж аъзолари сонидан, фойдаланилаётган транспорт воситаси ва ҳаво кемаси туридан (маркасидан) қатъи назар экипажга ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва ҳаво кемасининг учиб келиши ёки учиб кетишида транспорт воситаларини етказиб бериш сони бўйича ҳисобланади.

38. Экипажни меҳмонхонага етказиш учун транспорт тақдим этиш тарифи экипажни аэропортдан ташқаридаги меҳмонхонага етказиш учун ходимлар ва транспорт воситаларини тақдим этишда белгиланади.

Тариф транспорт воситаси туридан қатъи назар экипажга ҳар бир хизмат кўрсатиш (меҳмонхонага ёки меҳмонхонадан рейсга етказиш) учун белгиланади.

39. Ҳаво кемасини қўриқлаш тарифи ҳаво кемасининг туридан қатъи назар уни қўриқлашнинг ҳар бир соати учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва ҳаво кемасини қўриқлаш вақти бўйича ҳисобланади, бунда соатнинг ҳар қандай қисми кўпайишга қараб тўлиқ соатгача яхлитланади.

40. Ҳаво кемаларини жойлаштириш тарифи аэродромда ҳаво кемаларини жойлаштиришда тўхтаб туриш жойини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемасининг максимал учиш массасига кўра ҳар бир сутка ёки унинг бир қисми учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва ҳаво кемаси тўхтаб турган суткалар сони бўйича ҳисобланади, бунда сутканинг ҳар қандай қисми бутун суткагача кўпайишга қараб яхлитланади.

41. Ҳаво кемасини шатакка олиш тарифи, ҳаво кемаси туридан қатъи назар, ҳаво кемасини шатакка олишни таъминлаш бўйича комплекс хизматлар ва техник воситаларни тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф, тақдим этилган техник воситалар туридан (маркасидан) қатъи назар, ҳар бир шатакка олиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатиш сони бўйича ҳисобланади.

42. Санитария узелларида (ҳожатхоналар) хизмат кўрсатиш тарифи ҳаво кемаси санузелларида (ҳожатхоналарида) хизмат кўрсатиш бўйича комплекс ишларни таъминлаш, шу жумладан, ҳаво кемаси туридан қатъи назар санузелларни (ҳожатхоналарни) оқизиш (бўшатиш, тозалаш, ювиш) ва сув билан тўлдириш, чиқиндиларни чиқариб ташлаш ва утилизация қилиш учун белгиланади.

Тариф ҳар бир ҳаво кемасига хизмат кўрсатиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф бўйича ҳисобланади.

43. Ичимлик суви билан таъминлаш тарифи ҳаво кемасига ичимлик суви қуйишни таъминлаш бўйича хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф битта ҳаво кемасига хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф бўйича ҳисобланади.

44. Электр энергиясини етказиш тарифи, ҳаво кемаси туридан қатъи назар, ҳаво кемасига электр энергиясини етказиб беришни таъминлаш бўйича хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф электр таъминот манбаи туридан қатъи назар ҳаво кемасига электр энергия етказишнинг ҳар бир дақиқаси учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва электр энергиясини етказиш вақти асосида ҳисобланади.

45. Ҳаво ҳароратини сақлаш (иситиш) тарифи, ҳаво кемаси туридан қатъи назар, ҳаво кемасининг ҳарорати сақланишини (иситиш) таъминлаш бўйича хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво ҳароратини сақлашнинг ҳар бир дақиқаси учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатиш вақтининг миқдори бўйича ҳисобланади.

46. Ҳаво кемаларини техник воситалардан фойдаланган ҳолда ташқаридан қор ва муздан тозалаш тарифи ҳаво кемасини ташқаридан тозалашни таъминлаш бўйича хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемасининг максимал учиш массасига кўра ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади.

Махсус суюқликнинг хизмат кўрсатиш вақтида алоҳида белгиланган нархи ушбу тарифга киритилмайди.

47. Авиадвигателларга мой қуйиш (тўкиш) тарифи ҳаво кемаси туридан қатъи назар хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади. Мойнинг хизмат кўрсатиш вақтида алоҳида белгиланган нархи ушбу тарифга киритилмайди.

48. Тизимни кислород билан таъминлаш тарифи, ҳаво кемаси туридан қатъи назар, ҳаво кемаси тизимини кислород билан таъминлаш бўйича хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади.

49. Тизимни азот ёки сиқилган ҳаво билан таъминлаш тарифи, ҳаво кемаси туридан қатъи назар, ҳаво кемаси тизимини азот ёки сиқилган ҳаво билан таъминлаш бўйича хизматлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади.

50. Авиадвигателларнинг махсус ускуна ёрдамида ҳаво орқали ишга туширилишини таъминлаш тарифи, ҳаво кемаси туридан қатъи назар, авиадвигателларнинг махсус ускуна ёрдамида ҳаво орқали ишга туширилишини таъминлаш бўйича ишлар комплексини тақдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади.

51. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ишларни бажариш учун ходимлар билан таъминлаш тарифи мутахассислик-

лар ва малака даражалари бўйича такдим этилган ҳар бир ишчи учун белгиланади.

Тариф бир нафар ишчининг бир киши/соати учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва мутахассиснинг иш вақти бўйича ҳаво кемасига ҳар бир хизмат кўрсатиш учун ҳисобланади.

Ҳаво кемасига техник хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча ишларни ба-жариш вақтида такдим этилган материалларнинг амалдаги қонунчиликка биноан алоҳида белгиланган нархи ушбу тарифга киритилмайди.

52. Автонарвон, автокранни такдим этиш тарифи ҳаво кемасига хизмат кўрсатиш учун автонарвон, автокран ёки бошқа шу каби кўтарувчи ускуналарни такдим этиш учун белгиланади.

Тариф ҳар бир транспорт воситасини такдим этиш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва такдим этилган транспорт ёки техник воситалар сони бўйича ҳисобланади.

53. Ҳаво кемасини кузатиб борувчи транспорт воситасини такдим этиш тарифи экипажнинг талабномаси бўйича ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳаво кемасини кузатиб борувчи машинанинг ҳар бир такдим этилиши учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва кузатиб боришлар сони бўйича ҳисобланади.

54. Тез ёрдам машинасини такдим этиш тарифи ҳаво кемасига тез ёрдам машинасининг ҳар бир етказилиши учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади.

55. Ногиронлиги бўлган шахслар учун транспорт воситасини (автолифт) такдим этиш тарифи битта ногиронлиги бўлган шахслар машинасининг ҳаво кемасига ҳар бир етказилиши учун белгиланади.

Тўлов белгиланган тариф ва хизмат кўрсатишлар сони бўйича ҳисобланади. Ногиронлиги бўлган шахснинг ҳаво кемасидан/гача босган йўли ушбу тарифга киритилмайди.

56. Аэропортнинг иш регламентини узайтириш йиғими аэропортнинг эълон қилинган ва тасдиқланган иш регламенти доирасидан четга чиқишлар сабабли юзага келган ҳолларда маҳаллий вақт бўйича белгиланган регламентдан ортиқ вақт давомида ҳаво кемаси эксплуатантларига хизмат кўрсатиш учун белгиланади.

Ҳаво кемасини қабул қилиш учун аэропортнинг иш регламентини узайтириш тўғрисидаги талабнома ҳаво кемаси эксплуатанти томонидан ҳаво кемасининг келиш ва унга хизмат кўрсатиш вақтини, учиб кетиш учун эса, ҳаво кемасининг аэродром ҳудудидан учиб кетиш вақтини ҳисобга олган ҳолда аэропорт ишлаб чиқариш диспетчерлик хизматига берилади.

Йиғим ҳаво кемасига хизмат кўрсатиш мақсадида аэропортнинг иш регламенти узайтирилган вақт учун ер устида кўрсатиладиган комплекс хизматлар суммасининг 10 фоизигача миқдорида ундирилади, бундан авиация ёқилғиси мустасно.

Аэропорт иш регламентини узайтириш вақти учун тўлов ҳаво кемаси эксплуатанти томонидан белгиланган тариф бўйича амалга оширилади. Аэропорт иш регламенти 30 дақиқাগача узайтирилгани учун йиғим олинмайди.

57. Слотларни бузганлик учун йиғим мунтазам йўловчи рейси ҳаво кемаси слотни бузган ҳолда қўниши учун белгиланади ва ундирилади (+/- 40 дақиқагача рухсат берилган ҳолда). Слот форс-мажор ва метеорология шароити сабабли мажбуран бузилган бўлса, йиғим ундирилмайди.

58. Ҳаво кемасини борт таомлари билан таъминлаш тарифи ҳаво кемаси турлари бўйича ҳаво кемасини борт таомлари билан таъминлаш, шу жумладан:

а) идиш-товоқлар ва ечиб олинadиган ускуналарни қабул қилиш ва ҳаво кемаси бортидан тушириш, уларни транспорт воситаларига ортиш, борт таомлари комплексига етказиш ва тушириш;

б) чиқиндиларни йўқ қилиш, идиш-товоқлар ва ечиб олинadиган ускуналарга санитария ишловини бериш;

в) борт таомлари комплексида транспорт воситаларига борт таомларини ортиш, борт таомларини ҳаво кемасига етказиш;

г) борт таомларини топшириш ва ҳаво кемаси бортига олиб чиқиш учун белгиланади.

Тариф ҳар бир учиш-қўниш учун белгиланади. Тўлов белгиланган тариф ва учиш-қўниш сони бўйича ҳисобланади.

2-§. Ер усти хизматларини кўрсатиш учун аэропорт йиғим ва тарифларини ундириш

59. Ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун йиғимлар аэропортлар томонидан ҳаво кемалари эксплуатантлари ёки улар томонидан ваколат берилган вакиллар билан тузилган шартномалар асосида ундирилади.

60. Ҳаво кемаси перронга қайтиши чоғида хизмат кўрсатилганда, юкланиш ҳажми жисмонан ўзгармаслиги шarti билан, хизмат кўрсатиш учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

61. Ҳаво кемаси метеошароитлар, техник сабабларга кўра (тижорат мақсадларисиз) захира аэродромга (аэропортларга) қўнишни амалга оширганда:

йўловчиларга хизмат кўрсатиш тарифи нархларнинг амалдаги меъёридан 50 фоиз миқдорида ундирилади;

аэровокзалдан фойдаланиш йиғими ва йўловчилар хавфсизлиги йиғими ундирилмайди.

62. Аэропортларда ҳаво кемаларига қўйиладиган ёқилғи ва бошқа ёқилғи-мойлаш материалларининг нархи рейсни бажариш санасида амал қилган нархлар асосида белгиланади.

63. Ҳаво кемалари тўхташ жойида меъёрдан ортиқ туриши ва аэропортнинг иш регламенти бузилиши учун йиғим ҳаво кемасининг аэропортдан (аэродромда) учиб кетиши (тўхтаб туриши) кечиктирилган вақти учун қўйидаги ҳолларда ундирилмайди:

а) метеошароитлар бўйича учиб кетишлар кечиктирилганда ёки учиб кетиш аэропортига қайтиб қўнишда ёхуд кейинги қўниш пунктига қадар парвоз йўналиши бўйича қўнишда;

б) аэропортнинг айби билан учиб кетишлар кечиктирилганда;
в) ёқилғи-мойлаш материалларининг йўқлиги туфайли учиб кетишлар кечиктирилганда;

г) фуқаро авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашув ҳаракати билан боғлиқ фавқулодда вазият сабабли ҳаво кемаси мажбурий равишда қўнганда ёки учиб кетиш кечиктирилганда.

64. Жадвалдан ташқари (чартер) рейсни бажариш чоғида учиш-қўнишни таъминлаш йиғимининг 25 фоизгача қўпайтиради.

Кетма-кет бажариладиган жадвалдан ташқари (чартер) парвозларини (ойига камида 4 та рейс) амалга оширувчи йўловчи ва юк ташиш рейсларидан «Р» шакли тасдиқлангунга қадар чартер йиғими ундирилмайди.

3-§. Ер усти хизматларини кўрсатиш учун аэропорт йиғимларига пасаювчи коэффициентларни қўллаш

65. Аэропортлар ҳаво кемаларига ер усти хизматларини кўрсатиш учун пасаювчи коэффициентлар қўлланилган тўловни муайян давр давомида, вақтинча асосда ундириш ҳуқуқига эга.

Бунда, пасаювчи коэффициентни қўллаш ҳаво кемаларининг барча эксплуатантлари учун бир хил шартларда амалга оширилади.

66. Ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ер усти хизматларини кўрсатиш йиғимлари, тарифларини ундиришга, пасаювчи коэффициентлар, моддий-техник ресурслар нархларини қўллашга йўл қўйилмайди.

4-§. Йиғимлардан озод этиш

67. Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар юзага келганда кидирув-кутқарув ишларида, инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда иштирок этаётган ҳаво кемалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво кемалари аэропорт йиғимларидан озод этилади, бундан авиация ёқилғиси нархи мустасно.

68. Аэровокзалдан фойдаланиш йиғими қўлланилганда йўловчиларнинг қуйидаги тоифалари тўловдан озод этилади:

аэропортларда чиптасида «стоп-овер» (мажбурий тўхташ) йўқлигини англатувчи белги қўйилган, йигирма тўрт соатгача энг яқин туташувни кутаётган транзит йўловчилар;

дипломатик курьерлар.

3-боб. Аэронавигация йиғим ва тарифлари

1-§. Аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғимини шакллантириш

69. Аэронавигация йиғимлари Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудуди-

дан транзит фойдаланиш чоғида маршрутда аэронавигация хизматларини кўрсатиш ва аэродром ҳудудида (яқинлашиш ва учиш/қўнишни таъминлаш учун аэронавигация йиғими) аэронавигация хизматларини кўрсатиш учун белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш чоғида маршрутда ва Ўзбекистон Республикаси аэродромларига қўниш амалга оширилганда маршрутда (яқинлашишда) аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғими Европа аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилотининг (EUROCONTROL) ҳисоб-китоб тизими бўйича белгиланади.

Аэронавигация хизматлари учун йиғим миқдори ҳаво кемасининг вазн омилига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудига кириш нуктаси ва ҳаво ҳудудидан чиқиш нуктаси орасидаги ортодромик масофанинг 100 километри учун белгиланиб, ички ва халқаро парвозлар учун табақалашган тарзда икки ўнлик белгисигача яхлитланади.

Ўзбекистон Республикаси аэродромларига қўниш амалга оширилганда маршрутда (яқинлашишда) аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғимини белгилаш чоғида масофа Ўзбекистон Республикаси аэродромларида ҳар бир учиш ва ҳар бир қўниш учун 20 километрга қисқартирилади.

70. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган аэропортларга/дан амалга ошириладиган ҳар қандай парвозларда учиш/қўнишни таъминлаш учун аэронавигация йиғими Ўзбекистон Республикаси аэродромларига учиш/қўнишни таъминлашда аэронавигация хизматлари тарифини ҳаво кемасининг максимал учиш массасига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

71. Махсус авиация ишларини бажариш чоғида ҳаво кемаларига аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғими масофага қараб амалга оширилади. Оператив нукталарда ишлаш чоғида аэронавигация хизматлари учун йиғим ушбу оператив нуктага/дан биринчи қўниш ва сўнгги учиш учун ундирилади.

Йўналиш бўйича масофа тасдиқланган ҳаво трассалари ва маҳаллий ҳаво йўли трассалари рўйхатига мувофиқ белгиланади. Парвоз йўналиши тасдиқланган трасса ёки маҳаллий ҳаво йўли трассасидан ташқарида бўлса, масофа фактори ҳаво кемасининг крейсер тезлиги ва парвоз вақтига боғлиқ бўлади.

72. Ўқув машғулотли парвозлари чоғида ҳар бир учиш/қўниш учун тўлов тўлиқ учиш-қўнишга аэронавигация хизматлари тарифининг 20 фоизи миқдорида белгиланади. Тўлов биринчи учиш ва охириги қўниш учун амалга оширилади.

73. Парвоз режасига (флайт-план) ва ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш маълумотларига ишлов бериш тарифи ушбу аэропортдан учиш кетаётган рейслар учун ҳаво кемаси экипажи мурожаат қилгандагина белгиланади.

Тўлов ушбу рейс бўйича ишлов берилган парвоз режалари (флайт-план) миқдоридан қатъи назар ҳаво кемаси эксплуатанти мурожаатига кўра парвоз режаси (флайт-план) учун белгиланган тариф бўйича аниқланади.

74. Ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча маълум-

мотлар тарифи ҳаво кемаси экипажи мурожаат қилсагина, ҳаво кемасининг парвоз йўналиши бўйича белгиланади.

Тўлов ҳаво кемаси эксплуатанти мурожаатига кўра ушбу рейс бўйича ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш маълумотлари миқдоридан қатъи назар ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатиш маълумоти учун белгиланган тариф бўйича аниқланади.

2-§. Аэронавигация йиғимларини ундириш

75. Аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғими мулкчилик шакли, давлатга мансублиги, идоровий бўйсунитидан қатъи назар ҳаво кемаларининг барча эксплуатантларидан улар томонидан ички ва халқаро ҳаво йўналишларида мунтазам ва номунтазам парвозлар амалга оширилганда Ўзбекистон Республикасининг ҳаво ҳудудида аэронавигация хизматларини тақдим этиш учун ундирилади, бундан ушбу Қоидаларнинг 80 ва 81-бандларида кўрсатилган парвозлар тоифалари мустасно.

76. Ўзбекистон Республикаси ҳаво ҳудудидан транзит фойдаланиш чоғида йўналишда аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғимларини ундириш Ўзбекистон Республикасида ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича ваколатли орган ва Европа аэронавигация хавфсизлигини таъминлаш ташкилоти (EUROCONTROL) ўртасида тузилган келишув асосида амалга оширилади.

77. Аэродром ҳудудида аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғимлари тарифлар бўйича ҳаво кемаси эксплуатантлари ёки улар томонидан ваколат берилган вакиллар билан тузилган тўғридан-тўғри икки томонлама шартномалар асосида ундирилади. Шартнома бўлмаганда, аэронавигация йиғимлари «А» шакл асосида хизмат кўрсатиш вақтида амал қилаётган тарифлар бўйича ундирилади.

3-§. Аэронавигация хизматларини кўрсатиш тарифларига пасаювчи коэффициентларни қўллаш

78. Ўзбекистон Республикаси резидент авиакомпаниялари авиаташувлар бозорида фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ҳаводаги ҳаракатга хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича ваколатли орган аэронавигация хизматлари учун белгиланган тарифларга нисбатан пасаювчи коэффициентларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлиб, бунда ҳаво кемаси парвозларининг такрорийлиги (частотаси) ва мунтазамлиги мезон сифатида ҳисобланади.

79. Пасаювчи коэффициентларни қўллаган ҳолда авиакомпанияларга тақдим этиладиган тарифлар вақтинча асосда, муайян даврга белгиланади.

4-§. Йиғимлардан озод этиш

80. Табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар юзага келган

ҳолларда қидирув-қутқарув ишларида, инсонпарварлик ёрдамини кўрсатишда иштирок этаётган ҳаво кемалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ҳаво кемалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғимларидан озод этилади.

81. Маршрутда аэронавигация хизматларини кўрсатиш йиғимларидан парвозларнинг қуйидаги тоифалари озод этилади:

циркуляр парвозлар;

максимал сертификатланган оғирлиги 2,0 тоннадан кам бўлган ҳаво кемаларида бажарилган парвозлар;

давлат раҳбарлари ва ҳукумат раҳбарларининг расмий миссиялари учун фойдаланиладиган парвозлар. Барча ҳолатларда бу парвозлар режасида рейснинг тегишли мақоми — Давлат раҳбари (STS/HEAD) кўринишида қайд этилиши лозим.

4-боб. Яқуний қоидалар

82. Мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

83. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 25 апрель

*Монополияга қарши
курашиш қўмитаси раиси*

Н. ШАРИПОВ

2020 йил 1 апрель

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 26 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**265 «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-1

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 4 январдаги 3-мх-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 3114, 2019 йил 4 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2019 й., 10/18/3114/2423-сон) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 июнь,
134-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 15 июндаги
134-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

«Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқнинг номи ва 1-бандидаги «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов» деган сўзлар «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

1) номидаги «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов» деган сўзлар «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги Қонунининг 3¹-моддасига мувофиқ давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини ўтказиш тартибини белгилайди.»;

3) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади.

Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳони ўтказишни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида комиссиянинг ишчи органи фаолият юритади. Ишчи органнинг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармасининг соҳа бўйича масъул ходимлари орасидан шакллантирилади ва комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Ишчи орган ўз фаолиятини комиссия раисининг раҳбарлигида амалга оширади.»;

4) 2-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов (бундан буён матнда танлов деб юритилади) нотариус лавозими

бўш бўлган тақдирда ёки қўшимча (янги) нотариус лавозими таъсис этилганда ўтказилади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳони (бундан буён матнда малака имтиҳони деб юритилади) хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) олиш истагини билдирган талабгор шахс томонидан комиссияга ҳужжат топширилгандан бошлаб бир ой ичида ўтказилади.»;

5) 3 ва 21-бандлар, 2, 3 ва 7-бобларнинг номи «Танлов» деган сўздан кейин «ёки малака имтиҳони» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Нотариус» деган сўз «Давлат нотариал идораси нотариуси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «нотариус» деган сўз «давлат нотариал идораси нотариуси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 5-банддаги «Битта нотариал идоранинг» деган сўзлар «Битта давлат нотариал идорасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Танловда ёки малака имтиҳонида йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган ва олтмиш беш ёшдан катта бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан, нотариал идорада камида бир йил стажировка ўтаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. Бунда, судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камида уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адлия органларининг иши нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ходими ёки адвокат сифатида камида уч йил ишлаган шахслар, агар уларнинг ваколатлари тугатилган пайтдан эътиборан беш йил ўтмаган бўлса, олти ой муддат стажировка ўтайди.

Қуйидагилар танлов ёки малака имтиҳонида иштирок этиши мумкин эмас:

муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахс; қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

нотариус, адвокат, терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколатлари ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун тугатилган шахс уч йил мобайнида.»;

9) 7-бандда:

биринчи хатбошидан «(бундан буён матнда талабгор деб юритилади)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги» деган сўзлар «тан олинганлиги ҳақидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«малака имтиҳонини топширганлиги (қайта топширганлиги) ҳақида ҳудудий адлия органи ҳузуридаги малака комиссиясининг қароридан кўчирма ёки белгиланган тартибда стажировка ўтаганлиги ҳақида маълумотнома.»;

тўққизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

10) қуйидаги мазмундаги 7¹ ва 7²-бандлар билан тўлдирилсин:

«7¹. Малака имтиҳонида иштирок этиш истагини билдирган шахслар Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий нотариал фаолиятни лицензиялаш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламентида (бундан буён матнда Регламент деб юритилади) белгиланган тартибда Давлат хизматлари марказларига ўзлари келган ҳолда ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мурожаат қиладилар ҳамда уларнинг мурожаатлари мазкур Регламентга асосан кўриб чиқиладди.

7². Танловда ёки малака имтиҳонида иштирок этиш истагини билдирган шахсдан (бундан буён матнда талабгор деб юритилади) мазкур Низомда ёки Регламентда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.»;

11) 9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Танлов бўйича талабгорлар мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига электрон шаклда, улар қабул қилиб олинганлиги тўғрисида маълум қилган ҳолда тақдим этади.»;

12) 10-банд «девонхонасига беради ва» деган сўзлардан кейин «танлов бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

13) 11-банднинг биринчи хатбошиси «ишчи орган» деган сўзлардан кейин «танлов бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

14) 12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Мазкур Низомнинг 11-бандида кўрсатиб ўтилган асослардан бири мавжуд бўлганда масъул котиб томонидан икки иш куни ичида танлов бўйича талабгорнинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.»;

15) 13-банд «Ҳужжатлари қайтариб юборилган» деган сўзлардан кейин «танлов бўйича» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) 14-банд «Талабгорни танловда» деган сўзлардан кейин «ёки малака имтиҳонида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

17) 15 ва 16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Қуйидаги асосларга кўра талабгорнинг танловда ёки малака имтиҳонида иштирок этиши рад этилади:

талабгор мазкур Низомнинг 6-банди талабларига жавоб бермаганда;

мазкур Низом 28-бандининг олтинчи хатбошисида, 45-банднинг бирин-

чи хатбошисида (фақат танлов бўйича талабгор) ва 47-бандида назарда тутилган ҳолларда;

хужжатларда ёлгон ёки нотўғри маълумотлар аниқланганда.

Талабгорнинг бошқа асосларга кўра танловда ёки малака имтиҳонида иштирок этишини рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Талабгорларнинг хужжатларини ўрганиш натижаларига кўра, ишчи орган томонидан тегишли равишда танлов ёки малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида ёки танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида хулоса тузилади ва у комиссия раиси томонидан тасдиқланади. Танлов ёки малака имтиҳони ўтказиш тўғрисидаги хулосада танлов ёки малака имтиҳони ўтказиладиган сана кўрсатилади.»;

18) 18 — 20-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Танловда иштирок этиши рад этилган ҳар бир талабгорга комиссия раисининг тегишли хулосаси тасдиқланганидан кейин бир иш кuni ичида комиссия масъул котиби томонидан аризада кўрсатилган электрон почта манзили бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

Малака имтиҳонида иштирок этиши рад этилган ҳар бир талабгорга комиссия раисининг тегишли хулосаси тасдиқланганидан кейин бир иш кuni ичида комиссиянинг масъул котиби томонидан ўзи мурожаат этган тақдирда Давлат хизматлари марказига ёки электрон тарзда мурожаат этган тақдирда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мазкур Низомнинг 4¹-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

19. Танлов ёки малака имтиҳони уларни ўтказиш бўйича тегишли хулоса тасдиқланган кундан бошлаб беш кундан сўнг, лекин ўн беш кундан кечиктирмай ўтказилади.

Танлов ёки малака имтиҳони ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида у ўтказиладиган кундан камида беш кун олдин танлов бўйича талабгорга унинг аризасида кўрсатилган электрон почта манзили орқали мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ, малака имтиҳони бўйича талабгорга эса, ўзи мурожаат этган тақдирда Давлат хизматлари марказига, электрон тарзда мурожаат этган тақдирда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали мазкур Низомнинг 5¹-иловасига мувофиқ шаклдаги хабарнома юборилади.

20. Танлов ёки малака имтиҳони ўтказиладиган кун, вақт ва жой ҳақида у ўтказилишидан беш кун олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.»;

19) 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Комиссиянинг битта мажлисида бир нечта танловлар ёки бир нечта талабгорлар учун малака имтиҳони ўтказилганда талабгорлар танловларга ёки малака имтиҳонига, қоида тариқасида, 5 тагача талабгордан иборат гуруҳ шакллантирилиб, навбат бўйича киритилади.

Талабгорлар танловга ёки малака имтиҳонига шахсини тасдиқловчи хужжатини кўрсатган ҳолда қўйилади.»;

20) 23-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

21) 24 — 28-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Сухбат саволлари қуйидаги соҳалар бўйича тузилади:

давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-сиёсий соҳадаги ислохотлар ҳамда коррупцияга қарши курашиш;

фукаролик ҳуқуқи;

нотариат.

Саволлар комиссия раиси ва масъул котибининг имзолари билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Саволлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади ва қонун ҳужжатларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда даврий равишда қайта кўриб чиқилади.

25. Комиссия мажлиси масъул котиби комиссия аъзоларига танловда ёки малака имтиҳонида иштирок этаётган, шунингдек, танлов ёки малака имтиҳонига келмаган ва унга қўйилмаган талабгорлар рўйхатини ўқиб эшиттиради.

26. Танлов бўйича талабгор комиссиянинг битта мажлиси давомида фақат битта танловда иштирок этиши мумкин.

27. Талабгорларга саволларга жавоб беришга тайёргарлик кўришлари учун 20 дақиқагача вақт ажратилади.

28. Танлов ёки малака имтиҳонини ўтказиш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

алоқа ва телекоммуникация воситалари (телефон, компьютер, планшет ва бошқалар), китоб ҳамда шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан сухбатлашиш;

танлов ёки малака имтиҳони тугамасдан хонадан ташқарига чиқиш.

Талабгорнинг мазкур қоидаларга амал қилмаслиги уни танловда ёки малака имтиҳонида қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда масъул котиб томонидан мазкур Низомнинг тегишлилигига кўра 6 ёки 6¹-иловасига мувофиқ шаклдаги далолатнома расмийлаштирилади ва комиссия аъзоларининг камида уч нафари томонидан имзоланади.

Танловда ёки малака имтиҳонида қатнашишдан четлаштирилган талабгор олти ой давомида кейинги танловлар ёки малака имтиҳонларига қўйилмайди.»;

22) 30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Танлов ёки малака имтиҳони натижаларини аниқлаш учун комиссиянинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолардан мустақил ҳолда мазкур Низомнинг тегишлилигига кўра 7 ёки 7¹-иловасига мувофиқ шаклда баҳолаш бюллетенида талабгорнинг саволларга берган жавобини 5 баллик тизимда баҳолайди.

Бунда комиссиянинг ҳар бир аъзоси талабгорни қуйидаги мезонларга асосан баҳолайди:

берилган саволларга тўлиқ ва аниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида мустақил фойдаланишни билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши — 5 балл;

берилган саволларга аниқ, бироқ тўлиқ жавоб беролмаслиги, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида фойдаланишни билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни таҳлил қила олиши — 4 балл;

берилган саволларга тўлиқ жавоб беролмаслиги, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга етарли даражада эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида фойдаланишни билиши — 3 балл;

берилган саволларга ноаниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга эга бўлиши, улардан ўз касб фаолиятида фойдаланишни билмаслиги — 2 балл;

берилган саволларга ноаниқ жавоб бериши, фаолият соҳаси билан боғлиқ билимларга етарли даражада эга эмаслиги — 1 балл;

берилган саволларга умуман жавоб бера олмаслиги — 0 балл.»;

23) 31-банддаги «мазкур Низомнинг 8-иловасига» деган сўзлар «мазкур Низомнинг тегишлилигига кўра 8 ёки 8¹-иловасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Танлов натижасига кўра энг кўп балл олган талабгор танловда ғолиб деб топилади.

Ғолиб деб топилган талабгорнинг умумий тўплаган бали танловда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизидан юқори бўлиши лозим.

Танловда иштирок этган талабгорнинг тўплаган бали танловда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ёки ундан кам бўлса, комиссия танлов ўтказишга қайта эълон бериш тўғрисида қарор қабул қилади.»;

25) 33-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«33. Танлов натижасига кўра баллар тенг бўлиб қолган ҳолларда, танлов ғолиби энг кўп бир хил балл олган талабгорлар орасидан комиссия аъзолари томонидан овоз бериш йўли билан аниқланади.»;

26) қуйидаги мазмундаги 34¹-банд билан тўлдирилсин:

«34¹. Малака имтиҳонида талабгорнинг умумий тўплаган бали имтиҳонда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизидан кўп бўлганда, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган деб топилади.

Малака имтиҳонида иштирок этган талабгорнинг тўплаган бали имтиҳонда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ёки ундан кам бўлса, талабгор малака имтиҳонидан ўта олмаган деб топилади.»;

27) 35 — 38-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Танловда ёки малака имтиҳонида иштирок этиб, унда олиниши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 55 фоизи ёки ундан кам балл тўплаган талабгор ушбу танлов ёки малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб олти ой давомида танловларга ёки малака имтиҳонларига қўйилмайди.

36. Танлов ёки малака имтиҳони якунлари бўйича комиссия қарор қабул қилади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

рақами ва қабул қилинган санаси;
иштирок этган комиссия аъзолари рўйхати;
танлов ёки малака имтиҳони натижалари;
танловда ғолиб деб топилган ёки малака имтиҳонини муваффақиятли топширган, шунингдек, танлов ёки малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгорлар рўйхати;

танловда ғолиб деб топилган ёки малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорлар томонидан қасамёд қабул қилинганлиги;
комиссия қарори устидан шикоят қилиш тартиби.

Баҳолаш бюллетенлари ҳамда йиғма баҳолаш бюллетени комиссия қарорига илова қилинади.

Комиссия қарори раис томонидан тасдиқланади.

37. Талабгорлар томонидан тўпланган баллар, овоз бериш натижалари ҳамда комиссия қарори танлов ёки малака имтиҳони ўтказилган куннинг ўзида талабгорларга ўқиб эшиттирилади.

38. Комиссия қарори бир нусхада тузилади. Танловдан ёки малака имтиҳонидан сўнг бир иш куни ичида қарордан кўчирма танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилиш учун ёки малака имтиҳонидан муваффақиятли ўтган талабгорга лицензия бериш учун ҳудудий адлия органига юборилади. Қарор танлов ёки малака имтиҳони бўйича йиғмажилдга тикиб қўйилади.»;

28) 39-банд «Танловда ғолиб деб топилган» деган сўзлардан кейин «ёки малака имтиҳонини муваффақиятли топширган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

29) 41-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорнинг нотариус қасамёдини қабул қилишдан бош тортиши унинг лицензия олишдан воз кечиши деб ҳисобланади.»;

30) 5-бобнинг номидаги «Нотариус лавозимига тайинлаш» деган сўзлар «Давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинлаш ва лицензия бериш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) 42-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Комиссиянинг малака имтиҳони якунлари бўйича қабул қилган қарори малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорга лицензия беришга асос бўлади.»;

32) 43 — 45-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинлаш тегишли ҳудудий адлия органининг буйруғи билан амалга оширилади.

Агар талабгор давлат нотариал идораси нотариусининг болани парваришлаш таътили даврига унинг ўрнида вақтинча ушбу лавозимда ишлаш учун тайинланган бўлса, у билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади ва тегишли буйруқ чиқарилади.

Танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни давлат нота-

риал идораси нотариуси лавозимига тайинлаш ҳақидаги буйруқ комиссия қароридан кўчирма олинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай чиқарилади.

Лицензия малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгорга Регламентда белгиланган тартибда берилади.

44. Давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинланган ёки лицензия олган, бироқ охириги уч йилда нотариус, нотариус ёрдамчиси, нотариус стажёри ёки нотариус котиби лавозимида ишламаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган дастур бўйича бир ойлик амалиётни ўтайдилар.

Амалиёт ўташ давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқда ёки лицензия бериш тўғрисидаги қарорда назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси ҳамда тегишли ҳудудий адлия органининг келишувига асосан соҳа бўйича етарли тажриба ва кўникмаларга эга бўлган ҳамда нотариус лавозимида камида уч йил ишлаётган нотариус амалиёт мураббийи этиб белгиланади.

45. Талабгор танловнинг ҳар қандай босқичида, шунингдек, давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилингунга қадар танловда иштирок этишдан ёки давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинланишдан воз кечишга ҳақли. Бунинг учун талабгор бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки тегишли ҳудудий адлия органига ариза билан мурожаат этиши лозим. Бундай талабгорлар олти ой давомида кейинги танловларга қўйилмайди.

Агар танловда ғалиб деб топилган талабгор танлов ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ичида тегишли ҳудудий адлия органига меҳнат шартномасини тузиш ва давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинланиш учун мурожаат қилмаса, бу ҳолат давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига тайинланишдан воз кечиш деб ҳисобланади, келмаганлик сабаби узрли деб топилган ҳоллар бундан мустасно.»;

33) 6-бобнинг номидаги «Танловда иштирок этишдан ёки нотариус» деган сўзлар «Танловда ёки малака имтиҳонида иштирок этишдан ёхуд давлат нотариал идораси нотариуси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) 47 — 49-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Агар талабгор танловга ёки малака имтиҳонига келмаса олти ой давомида кейинги танловларга ёки малака имтиҳонига қўйилмайди, келмаганлик сабаби узрли деб топилган ҳоллар бундан мустасно.

48. Ўтказилган ҳар бир танлов ёки малака имтиҳони бўйича материаллар, шу жумладан, танлов ёки малака имтиҳони ўтказиш жараёни қайд этилган аудио ва видеоёзувлар ёзилган сақлаш қурилмалари ишчи органининг алоҳида йиғмажилдида тикилади.

49. Танлов ёки малака имтиҳони ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатлар ҳар бир танлов ёки малака имтиҳони бўйича йиғмажилдларга

тикилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида доимий сақланади.»;

35) 1, 2, 7 ва 8-иловаларнинг илова белгисидаги «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов» деган сўзлар «Давлат нотариал идораси нотариусини лавозимига тайинлаш бўйича танлов ва хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш бўйича малака имтиҳонини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

37) 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

38) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 4¹-илова билан тўлдирилсин;

39) 5-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

40) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 5¹-илова билан тўлдирилсин;

41) 6-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 6-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин;

42) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 7-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 6¹-илова билан тўлдирилсин;

43) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 8-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 7¹-илова билан тўлдирилсин;

44) мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 9-иловасига* мувофиқ таҳрирдаги 8¹-илова билан тўлдирилсин.

* 1 — 9-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

266 Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2015 йил 20 мартдаги 25-сон буйруғи (рўйхат рақами 2667, 2015 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 15-сон, 194-модда) билан тасдиқланган Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 май,
117-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
11 майдаги 117-сон буйруғига
ИЛОВА

**Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 9-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки меҳнатга лаёқатсизлик маълумотномаси ўтказиб юборилган кунларга берилмайди. Мазкур Йўриқноманинг 14-банди, 15-бандининг биринчи хатбошиси, 25-банди, 37-банди ҳамда 46-бандида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.»

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июнда эълон қилинган.

2. 37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«37. Мактабгача таълим ташкилотида ёки олти ёшга тўлмаган болага ўрнатилган карантин даврида болага қараш учун ота-онасидан бирига ёки оиланинг бошқа аъзосига карантин белгиланган муддатга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилади.».

3. 46 ва 47-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Бажараётган ишининг хусусиятига кўра юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахслар ишдан четлаштирилганда ёки атрофдагилар учун хавфли бўлган юқумли ва паразитар касалликлар билан оғриган беморларга, паразитар касалликлар билан зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан тиббиёт муассасасида карантинга олинган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига тегишли даволаш-профилактика муассасаси томонидан берилади.

Юқумли, паразитар касалликлар билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан вақтинчалик карантинда сақлашга мослаштирилган мажмуада карантинга олинган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ҳудудий ва туман (шаҳар) эпидемиологик осойишталик марказлари эпидемиологи ёки санитар врачлари томонидан берилади.

Уй шароитида карантинга олинган шахсларга ҳамда карантинга олинган шахсларнинг 14 ёшгача бўлган боласини парвариш қилаётган шахсларга меҳнатга лаёқатсизлик варақаси карантинда бўлган тўлиқ кунларига уларнинг яшаш жойидаги поликлиника томонидан берилади.

47. Карантин даврида мазкур Йўриқноманинг 46-бандида назарда тутилган шахслар томонидан меҳнатга лаёқатсизлик варақаси иш берувчига электрон шаклда юборилиши мумкин.».

4. 54-банддаги «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (бундан буён матнда Соғлиқни сақлаш вазирлиги деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 11 май

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 11 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

267 Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги ва «Давлат божи тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 1291, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/2-сон қарорига
ИЛОВА

Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Ломбардлар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш, лицензияни қайта расмийлаштириш ҳамда бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарори билан расмийлаштирилади.».

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июнда эълон қилинган.

2. 9¹-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9¹. Ломбард бошқарув органининг раҳбари лавозимига тавсия этиладиган номзодга қўйилган талаблар:

иқтисодий олий маълумот;

банк-молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига, шунингдек, бенуқсон ишчанлик обрўсига эга бўлиши керак.

Бунда, иқтисодиёт соҳасидаги ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар бенуқсон ишчанлик обрўсига эга эмас деб топилади.».

3. 14-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Лицензияловчи орган томонидан лицензия берилганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

Йиғим миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

268 Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/14-сон қарори (рўйхат рақами 3003, 2018 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 372-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/11-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд
пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг тўртинчи хатбошисидан «ҳамда банклар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 3-боб номидаги «Банк» деган сўз «Бош бошқармалар ҲККМ айланма» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Бош бошқармалар ҲККМ айланма кассаларига нақд пуллар қолдиқлари бўйича лимитлар белгиланиши шарт.».

4. 11 ва 48-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 12-банддан «ва нақд пуллар захира жамғармаларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Бош бошқармалар ҲККМ айланма кассаларидаги лимитдан ортиқча пуллар нақд пуллар захира жамғармаларига шу куни ўтказилиши шарт.».

7. 14 ва 15-бандлардаги «Банк кассаларидаги» деган сўзлар «Бош бошқармалар ҲККМ айланма кассаларидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Бош бошқармалар ҲККМ айланма кассаларидаги нақд пул қолдиқларига ўрнатилган лимитларга доир маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва улардан фойдаланиш «Хизмат доирасида фойдаланиш учун» устхати қўйилган ва ушбу ҳужжатлар билан ишлаш қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.».

9. 25-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкнинг айланма кассасига ва банк хизматлари офислари кассаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда;».

10. 49-банддаги «10198 — «Марказий банкка топшириладиган нақд пуллар заҳираси» деган сўзлар «10101 — «Айланма кассадаги нақд пуллар» ва 10111 — «Амалиёт кассаларидаги нақд пуллар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

269 Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3245*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Давлат солиқ
қўмитаси раиси

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
2020-19-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
25 майдаги 2020-19-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида
операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган
савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган
(сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ
органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни (бундан буён матнда биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар деб юритилади) солиқ органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар биржа савдоларини ташкил этувчи жойлашган жойдаги солиқ органида солиқ тўловчининг идентификация рақами берилган ҳолда ҳисобга қўйилади.

2. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш (ҳисобдан чиқариш) бепул амалга оширилади.

**2-боб. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик
шахсларни ҳисобга қўйиш**

3. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар биржа савдоларида қатнашишдан олдин солиқ органига ҳисобга қўйиш тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда ариза;

б) ўзи таъсис этилган мамлакатда давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг давлат тилига таржима қилинган асл нусхаси ёхуд нотариал тарзда тасдиқланган нусхаси (солиқ тўловчининг хос рақами кўрсатилган ҳолда);

в) ваколатли шахснинг фуқаролик паспорти нусхаси;

г) ваколатли шахснинг норезидент юридик шахс номидан Ўзбекистон Республикасида ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини тасдиқловчи ишонч-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

номанинг ёки бошқа ҳужжатнинг (улар мавжуд бўлган тақдирда) давлат тилига таржима қилинган асл нусхаси ёхуд нотариал тарзда тасдиқланган нусхаси.

Бунда, биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар томонидан ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ҳужжатлар солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

4. Солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобга қўйишда мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

5. Солиқ органлари биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатлар асосида ҳисобга қўйиш учун ариза берилган кундан эътиборан уч иш куни ичида ҳисобга қўйиши шарт.

6. Ҳисобга қўйиш учун тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низом талабларига мувофиқ бўлмаганда солиқ органлари томонидан бу ҳақда ариза берувчига ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида хабардор қилинади.

7. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг автоматлаштирилган тизими орқали Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.

8. Аризада келтирилган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрида ишловдан ўтказилгач, биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсга солиқ органида ҳисобга қўйилганлиги ва унга идентификация рақами берилганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда гувоҳнома берилади.

9. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларнинг ҳисоб маълумотлари ўзгарганда, норезидент юридик шахснинг ваколатли шахси томонидан бундай ўзгаришлар юзага келган кундан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахс томонидан солиқ органига аввал тақдим қилинган маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклда ариза тақдим этилади.

10. Тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахснинг ҳисоб маълумотларига уч иш куни ичида тегишли ўзгаришлар киритилади.

3-боб. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш

11. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар товар-хонм ашё биржалари ва (ёки) ташкиллаштирилган савдоларда ўз фаолияти-ни тўлиқ тугатиб, банк ҳисобварақларини ёпгандан сўнг, ўн беш календарь

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

кундан кечиктирмай солиқ органига ҳисобдан чиқариш тўғрисида мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда ариза тақдим этади.

Бунда, биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ариза солиқ органига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

12. Солиқ органлари томонидан биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш қўйидаги шартлар бажарилганда амалга оширилади:

Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаш мажбурияти тўлиқ бажарилган ва солиқ қарзи мавжуд бўлмаганда;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Давлат солиқ қўмитасига электрон шаклда юборилган ахборот асосида биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларнинг банк ҳисобварақлари ёпилганлиги тасдиқланганда.

13. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахсларни ҳисобдан чиқариш солиқ органлари томонидан ариза берилган кундан эътиборан уч иш куни ичида амалга оширилади.

14. Биржа савдоларида қатнашувчи норезидент юридик шахслар ҳисобдан чиқарилгандан сўнг солиқ органлари томонидан мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда маълумотнома тақдим этилади.

4-боб. Якуний қоида

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУФИ

270 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3246

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 декабрдаги ПҚ-4555-сон «Ўзбекистон Республикасининг «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон «Давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарорининг 1 — 10-иловалари тегишли равишда мазкур буйруқнинг 1 — 10-иловаларига** мувофиқ тахрирда баён этилсин.

2. Давлат маданият муассасалари 2020 йил 1 февралдан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорлари ўзгарганлигини ҳисобга олиб ходимларнинг иш ҳақларини қайта ҳисоблаб тўланишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2019 йил 26 сентябрдаги 591-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3189, 2019 йил 30 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.10.2019 й., 10/19/3189/3971-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 июнда эълон қилинган.

** 1 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

О. НАЗАРБЕКОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 май,
170-сон

Келишилган:

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 11 май

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 11 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**271 Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғриси-
даги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3247*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 139-моддасига мувофиқ
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом ило-
вага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 июнда эълон қилинган.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 май,
2020-16-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
18 майдаги 2020-16-сон қарорига
ИЛОВА

Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) мувофиқ сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

сайёр солиқ текшируви — солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш соҳасидаги айрим мажбуриятларини, шунингдек, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларини бажарилишини текшириш;

хронометраж кузатуви — хронометраж ўтказиладиган даврда тушумларнинг ҳақиқий ҳажмларини, пул тушуми суммаларини, ишлаб чиқариш ва товарларни (хизматларни) реализация қилиш ҳажмларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган, товарларни (хизматларни) ҳақиқий реализация ҳажмларини аниқлашга доир тадбир.

2. Солиқ органлари сайёр солиқ текшируви доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

солиқ солиш объектларини аниқлаш;

хронометраж кузатувларини ўтказиш;

назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш;

солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ қонунчилигига риоя этилишини текшириш;

савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш;

солиқ тўловчидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи (солиқ агентлари) томонидан хатловдан ўтказишни талаб қилиш.

3. Сайёр солиқ текширувида ҳисобга олиш ҳужжатларининг, товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳаракатининг, шунингдек, солиқ тўловчининг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ахборотнинг таҳлили ўтказилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказишда солиқ тўловчилардан сайёр солиқ текшируви предметиға алоқаси бўлмаган ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилишға йўл қўйилмайди.

4. Сайёр солиқ текшируви ўн иш кунигача бўлган муддатда ўтказилади.

5. Сайёр солиқ текшируви натижаси бўйича солиқ органлари томонидан солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Бунда, сайёр солиқ текшируви натижаси бўйича олинган ҳужжатлар ва ахборотлар камерал солиқ текширувини ўтказишда фойдаланилиши мумкин.

6. Сайёр солиқ текшируви қуйидаги асослар бўлганда ўтказилади:

«Таҳлика-таҳлил» дастурий маҳсулоти натижасига кўра аниқланган, юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига мансуб бўлмаган солиқ тўловчилар (солиқ агентлари) фаолиятидаги солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда;

жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан солиқ тўловчилар фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисида мурожаатлар келиб тушганда, бундан аноним мурожаатлар мустасно;

оммавий ахборот воситаларида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинганда;

камерал солиқ текшируви жараёнида аниқланган тафовут ва хатоларни солиқ органи жойлашган жойдан ташқарида ўрганиш зарурати юзага келганда.

7. Сайёр солиқ текшируви солиқ органи раҳбарининг (ўринбосарининг) буйруғи асосида ўтказилади. Буйруқда солиқ тўловчининг номи, текширувчи шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда лавозими, текширувни ўтказиш муддати ва мақсади кўрсатилади.

Сайёр солиқ текшируви ўтказиш учун солиқ органининг икки ёки ундан ортиқ мансабдор шахслари жалб этилган тақдирда, буйруқда бир нафар ходим текширишда вазифаларни тақсимлаш бўйича гуруҳ раҳбари этиб белгиланади.

8. Ўтказиладиган сайёр солиқ текширувлари Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» тўлдирилганидан сўнг ўтказилади.

Сайёр солиқ текшируви далолатномасига «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда —

электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда — унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширувчи томонидан тегишли ёзув киритилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, солиқ тўловчи ўзининг сайёр солиқ текширувидан ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли.

Ўтказилган текширувларнинг натижалари солиқ органлари томонидан текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилади.

9. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилган сана ушбу текширувни ўтказиш муддатининг бошланиши деб ҳисобланади.

10. Сайёр солиқ текшируви жараёнида солиқ органи Солиқ кодексининг 145 ва 148-моддаларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг бинолари ва ҳудудларни кўздан кечиришга ҳамда ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишга ҳақли. Бунда, ушбу тадбирлар ҳолислар иштирокида амалга оширилади.

Солиқ органларининг ходимлари ҳолислар сифатида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

2-боб. Сайёр солиқ текширувини ўтказишда солиқ органи мансабдор шахсининг ҳамда солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Солиқ органларининг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга: солиқ тўловчининг сайёр солиқ текширувига тааллуқли маълумотлари ва ҳужжатларини ўрганиш ҳамда ушбу ҳужжатлардан солиқ органи ҳисобидан нусха олиш;

солиқ тўловчи томонидан бухгалтерия, товарлар (хизматлар) ҳаракати ҳисобини юритишда фойдаланилаётган дастурий таъминотлардаги маълумотлар билан танишиш ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда улардан солиқ органи ҳисобидан нусха олиш;

солиқ тўловчининг ҳудудини, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ва бошқа биноларини, шу жумладан, солиқ тўловчи даромад олиш учун фойдаланадиган ёки солиқ солиш объектларини сақлаш билан боғлиқ жойларни кўздан кечириш ҳамда фото ва видеотасвирга тушириш;

мол-мулкларни хатловдан ўтказиш;

текширувга мутахассислар, экспертлар, таржимон, ҳолисларни жалб этиш ҳамда улардан тегишли ҳулосалар, таржималар ва кўрсатмалар олиш; ишлаб чиқарилаётган ҳамда реализация қилинаётган товарларнинг (хизматларнинг) ҳақиқий ҳажмларини аниқлаш;

ҳисоб-китобларни амалга оширишда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини, шунингдек, назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларининг қўлланилишини текшириш;

солиқ тўловчи томонидан солиқ органларининг мансабдор шахсларини сайёр солиқ текшируви ўтказилаётган ҳудуд ва (ёки) бинога (бундан

турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилинганда, солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўриш;

солиқ тўловчининг фаолиятига тааллуқли ҳужжатларга (ахборотга) эга бўлган контрагентдан ёки бошқа шахслардан ушбу ҳужжатларни (ахборотни) талаб қилиб олиш.

12. Солиқ органларининг мансабдор шахслари қуйидаги мажбуриятларга эга:

солиқ текшируви бошлангунига қадар (назорат касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текширишда — текширув жараёнида) солиқ тўловчини ёки унинг вакилини сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништириш ва буйруқ нусхасини уни олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда тақдим этиш;

солиқ тўловчини ёки унинг вакилини текширув мақсади билан таништириш, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектида «Текширувларни рўйхатга олиш китоби» мавжуд бўлган ҳолларда, унинг электрон ёки қоғоз шаклини тўлдириш;

сайёр солиқ текширувини ўтказиш вақтида солиқ тўловчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, текширув устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ёки тадбиркорлик субъектларининг бошқа тегишли бирлашмаларини жалб қилишга ҳақли эканлигини тушунтириш;

ўтказилган текширув натижалари билан солиқ тўловчини таништириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган текширувларнинг натижалари текширув тамомлангандан кейин уч кун ичида Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритилишини таъминлаш;

ўз ваколатлари ва текширув буйруғида белгиланган текширув мақсадлари доирасидан чиқмаслик.

Солиқ органларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

13. Солиқ тўловчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

сайёр солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги буйруқ нусхасини олиш, ходимларнинг хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномаси билан танишиш;

сайёр солиқ текширувини ўтказиш жараёнида вакил орқали ёки шахсан иштирок этиш;

сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсдан «Текширувларни рўйхатга олиш китоби»нинг электрон ёки қоғоз шаклини тўлдиришни талаб қилиш, тўлдиришдан бош тортган тақдирда эса — ўзининг ҳудуди ва биноларига киришга йўл қўймаслик;

сайёр солиқ текшируви жараёнини фото ва видеотасвирга олиш;

сайёр солиқ текшируви материаллари билан танишиш ва нусха олиш;

сайёр солиқ текширувини амалга ошираётган солиқ органлари мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан шикоят қилиш;

сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш;

ўз манфаатларини шахсан, солиқ маслаҳатчилари ташкилоти ёки бошқа вакиллари орқали ҳимоя қилиш.

Солиқ тўловчилар Солиқ кодекси ва солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Солиқ тўловчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

сайёр солиқ текширувини ўтказаятган солиқ органларининг мансабдор шахсларига текширув билан боғлиқ ҳужжатлар, шунингдек, электрон манбаларда сақланадиган тегишли ахборот билан танишиш имкониятини таъминлаш;

солиқ органларининг текшириш билан боғлиқ қонуний талабларини бажариш, улар мансабдор шахсларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилмаслик.

Солиқ тўловчиларнинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Солиқ солиш объектларини аниқлаш

15. Солиқ солиш объектларини аниқлаш солиқ органларида мавжуд бўлган солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги ахборотни аниқлаштириш мақсадида ўтказилади.

16. Солиқ солиш объектларини аниқлаш бўйича қуйидагилар текширилади:

давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, фаолият тури ва жойининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги;

кўчмас мулкка ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, кадастр ҳужжатлари, ижара шартномалари мавжудлиги.

17. Солиқ солиш объектларини аниқлаш бўйича ўтказилган текширув натижасида олинган маълумотлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

4-боб. Хронометраж кузатувларини ўтказиш

18. Хронометраж кузатувлари солиқ тўловчиларнинг айрим тоифалари ёки фаолият турлари бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳақиқатдаги даромадлари ҳамда уларнинг шаклланиш манбалари ва (ёки) харажатлари, шунингдек, солиқ режимини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

19. Хронометраж кузатуви солиқ тўловчининг фаолиятини тўхтатмасдан кунлик иш режимини тўлиқ қамраб олган ҳолда, жойлашган жойидан қатъи назар барча объектларида бир вақтнинг ўзида ўтказилади.

Хронометраж кузатуви солиқ тўловчи (вакили) иштирокида ўтказилади.

20. Хронометраж кузатуви солиқ тўловчиларнинг текширувгача тас-

диқланган иш режимидан келиб чиқиб, етти иш кунидан кам бўлмаган муддатда ўтказилади.

21. Солиқ органи солиқ тўловчининг бошқа ҳудудлардаги объектларида хронометраж кузатуви ўтказиш юзасидан объект жойлашган ҳудудий солиқ органига хронометраж кузатуви бошланишидан камида бир кун олдин ўтказиладиган хронометраж кузатувининг аниқ санасини кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Бунда, хронометраж кузатуви натижаси бўйича расмийлаштирилган маълумотлар кузатув якунланганидан сўнг солиқ тўловчи жойлашган ҳудудий солиқ органига бир иш куни ичида юборилиши шарт.

22. Хронометраж кузатуви жараёнида солиқ тўловчининг амалдаги даромадлари ва харажатларини ҳамда солиқ режимини аниқлаш мақсадида мутахассислар жалб этилиши мумкин.

23. Хронометраж кузатуви қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) чакана савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш соҳасида:

хронометраж кузатуви бошланишида солиқ тўловчининг пулли ҳисобкитобларни амалга оширишдан тушган пулларни сақлаш учун мўлжалланган кассаларидаги (бундан буён матнда солиқ тўловчининг кассалари деб юритилади) мавжуд нақд пул қолдиғини назорат-касса техникасининг кунлик ҳисоботи билан солиштириш ва ижобий фарқ суммасини солиқ тўловчи (унинг вакили) томонидан назорат-касса техникасининг хотирасига киритилишини талаб қилиш;

савдо ва (ёки) хизмат кўрсатишдан тушган пул маблағларининг тўлиқ назорат-касса техникаси хотирасига киритилиши ёки тўлов терминалларида тўлиқ фойдаланилиши, харидорларга (мижозларга) харид чеки берилишини назорат қилиб бориш;

реализация қилинган товарлар ва хизматларнинг ҳақиқий ҳажмини аниқлаш ҳамда кунлик пул маблағлари тушумини кузатиш ва қайд этиш;

хронометраж кузатуви якунида назорат-касса техникасидан «Z» ҳисобот чиқариш ва маълумотномага илова қилиш;

хронометраж кузатуви якунида солиқ тўловчининг кассаларидаги мавжуд кунлик пул тушуми билан қайд этиш варақасидаги тушумлар миқдори ўртасидаги ижобий фарқ суммасини назорат-касса техникасининг хотирасига киритилишини талаб қилиш;

маҳсулотларнинг ҳисоб ҳужжатларидаги (ҳисобварақ-фактуралар, юк хатлари, назорат-касса техникаси чеки ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар) нархлари ҳамда сотиш нархларини таққослаш;

солиқ тўловчининг даромадлари ва харажатларини таҳлил қилиш;

б) ишлаб чиқариш соҳасида:

ишлаб чиқариш учун сарфланаётган товар хом ашёлар (ярим тайёр маҳсулотлар) ҳажмини, ишлаб чиқариш ускуналарининг сонини ва уларнинг қувватларини қайд этиш;

ишлаб чиқариш қувватлари учун сарфланаётган табиий ресурслар (газ, электр энергияси, сув, ёқилғи-мойлаш материаллари) ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмига мувофиқлигини аниқлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва миқдорини аниқлаш;
ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилиш усуллари аниқлаш ва жараёнини қайд этиш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархи, сотиш нархи, сотилган ҳажми ҳамда омборхоналаридаги тайёр маҳсулотлар миқдорини аниқлаш;

хронометраж кўзатуви натижасида аниқланган солиқ тўловчининг ҳақиқатдаги даромадлари, уларнинг шаклланиш манбалари ва харажатларини қайд этиш.

24. Хронометраж кузатуви натижаси бўйича ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ икки нусхада баённома расмийлаштирилади. Баённоманинг бир нусхаси солиқ тўловчига баённома нусхасини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади. Бунда баённомага имзолашдан ва (ёки) унинг бир нусхасини олишдан солиқ тўловчи бош тортган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённомага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади.

5-боб. Назорат касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш

25. Назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини текшириш назорат харидини амалга ошириш йўли билан ва (ёки) савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита текширув ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

26. Назорат хариди назорат-касса техникалари ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларида харидорларга касса чеки берилиши, банк карталари орқали тўловлар қабул қилиниши ҳамда нақд пул маблағлари ва банк карталари орқали амалга ошириладиган тўловлар шаклига қараб нархлар сунъий равишда оширилиши ёки пасайтирилиши ҳолатлари мавжудлигини текшириш мақсадида амалга оширилади.

27. Назорат харидини амалга оширишда қуйидагилар жалб қилиниши мумкин:

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисида мурожаат этган жисмоний шахс (юридик шахснинг ишончли вакили);

«Холис харидор» хизматини кўрсатувчи юридик шахс вакиллари;

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вакиллари.

28. Назорат харидини амалга оширган шахслар томонидан назорат харидида кузатилган ҳолатлар бўйича маълумотлар (ҳужжатлар, предметлар) харид якунланиши билан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга тақдим этилади.

29. Ўтказилган назорат хариди натижаси бўйича мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклда баённома расмийлаштирилади ва сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс, назорат харидини амалга оширган шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Назорат харидини ўтказиш баённомасининг бир нусхаси солиқ тўловчига баённома нусхасини олганлигини тасдиқловчи имзо қўйдирган ҳолда берилади. Бунда назорат харидини ўтказиш баённомасини имзолашдан ва (ёки) унинг бир нусхасини олишдан бош тортган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённомага бу ҳақда тегишли ёзув киритилади.

30. Назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан ажратилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс назорат харидини ўтказиш учун нақд пул маблағларини тегишли солиқ органи кассасидан олади.

Нақд пул маблағларини сайёр текширувини ўтказиш учун мансабдор шахсга беришда уларнинг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, чиқим касса ордерига илова қилинади. Бунда пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга берилади.

31. Сайёр солиқ текшируви якунлангандан сўнг, назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун олинган нақд пул маблағлари бир иш куни ичида тегишли солиқ органи кассасига тўлиқ топширилади. Пул маблағларининг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари ёзилган варақча нусхаси крим касса ордерига илова қилинади.

Сайёр солиқ текшируви жараёнида солиқ тўловчига тегишли шохобча кассаларида мавжуд нақд пул қолдиғи санокдан ўтказилиб, назорат-касса техникаси хотирасига киритилган нақд пул суммаси билан солиштирилади ва натижаси бўйича ушбу Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ нақд пул қолдиғини санокдан ўтказиш далолатномаси тузилади.

32. Назорат хариди ўтказилиб, ўзаро ҳисоб-китоблар якунлангач, назорат харидини ўтказишда фойдаланилган пул маблағлари текширилган солиқ тўловчи (унинг вакили) томонидан сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга, харид қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматларнинг натижалари (назорат хариди предметлари) эса, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан солиқ тўловчига (унинг вакили) қайтариб берилиши шарт, бундан қайтариш имкони бўлмаган ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ олиб қўйилиши лозим бўлган назорат хариди предметлари мустасно.

33. Солиқ органлари назорат-касса техникалари ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита текшириши мумкин. Бунда текшириш қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

терминали билан жиҳозланганлиги, шу жумладан, уларнинг солиқ тўловчи номига ва объект манзили бўйича расмийлаштирилганлиги;

назорат-касса техникалари тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрига ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг давлат реестрига киритилганлиги;

назорат-касса техникасининг техник талабларга мувофиқлиги;

назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминаллари қўллаш қоидаларига риоя этилиши.

34. Назорат-касса техникалари ва ҳисоб-китоб терминаллари қўлланилишини савдо, умумий овқатланиш ёки хизмат кўрсатиш шохобчасида бевосита ўтказилган текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

Солиқ тўловчи томонидан бошқа солиқ тўловчига тегишли назорат-касса техникалари ва (ёки) ҳисоб-китоб терминалларида фойдаланиш ҳолати аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текшируви далолатномасига улардан олинган харид чеки нусхаси, ҳисоб-китоб терминалининг русуми ва завод рақами тўғрисидаги маълумот ҳам киритилади.

Техник талабларга жавоб бермайдиган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг давлат реестрига ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг давлат реестрига киритилмаган ёхуд бошқа солиқ тўловчига тегишли бўлган, шунингдек, фискал хотирага хизмат кўрсатувчи дастурий маҳсулоти (версия) бузилган назорат-касса техникаси мавжудлиги аниқланган тақдирда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан баённома тузилади ҳамда ушбу назорат-касса техникаси вақтинча олиб қўйилади.

6-боб. Солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш

35. Солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш қуйидагилардан иборат: барча объект ва ҳудудларда ҳақиқатда фаолият юритаётган ходимларни аниқлаш;

мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда аниқланган ходимларнинг рўйхатини (бундан буён матнда рўйхат деб юритилади) тузиш.

Солиқ тўловчи ходимларининг ҳисоботдаги ва ҳақиқий сони мувофиқлиги юзасидан мониторинг солиқ тўловчининг (вакилининг) иштирокида амалга оширилади.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

36. Рўйхатда кўрсатилган ходимлар солиқ тўловчи томонидан такдим этилган солиқ ҳисоботида кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади.

Бунда, рўйхатнинг тегишли устунига ходимларнинг солиқ тўловчи томонидан такдим этилган солиқ ҳисоботида «мавжуд» ёки «мавжуд эмас» белгиси киритиб борилади.

37. Солиштириш натижасида сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс рўйхатга киритилган ва солиқ тўловчи томонидан такдим этилган солиқ ҳисоботида мавжуд бўлмаган ходимлар, уларнинг ишлаш даври ҳамда олаётган иш ҳақи тўғрисида солиқ тўловчидан тушунтиришлар олади.

38. Рўйхат сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи рўйхатни имзолашдан бош тортган ҳолларда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан рўйхатнинг пастки қисмига бу ҳақида ёзув киритилади.

39. Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ёлланган ходимларнинг солиқ органларида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома мавжудлигини текшириш натижасида аниқланган ҳолатлар сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

**7-боб. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ
бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида
солиқ қонунчилигига риоя этилишини текшириш**

40. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш қўйидагилардан иборат:

бир марталик йиғимлар ундирилиши, ундирилган йиғимларнинг назорат-касса техникаси хотирасига киритилиши ва банкка топширилишини назорат қилиш;

бозорлар, савдо комплекслари ва уларнинг филиалларида сотувчи ва харидорларга кўрсатилган хизматлар учун тўловларнинг ҳамда бино ва иншоотларни, шунингдек, буюмларни ижарага бериш бўйича ижара тўловларининг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини текшириш;

савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларининг бажарилишини текшириш.

41. Бозорлар, савдо комплекслари, уларга туташ бўлган автомобиль воситаларининг тўхташ жойларида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш натижаси бўйича аниқланган ҳолатлар, шу жумладан, солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

**8-боб. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя
этилишини текшириш**

42. Солиқ тўловчида савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш қўйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилганлиги;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш жойларида уларни 20 ёшга тўлмаган шахсларга сотишга йўл қўйилмаслиги, шунингдек, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзув жойлаштирилганлиги;

савдо шохобчасида сотувчи — юридик шахс тўғрисидаги маълумотлар, яъни корхонанинг номи, унинг жойлашган жойи (почта манзили ва иш режими), агар сотувчи якка тартибдаги тадбиркор бўлса, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлик ва рўйхатдан ўтказган органнинг номи тўғрисидаги маълумотлар харидорлар танишиши учун қулай тарзда жойлаштирилганлиги;

агар сотувчи амалга оширадиган фаолият лицензияланиши керак бўлса, у лицензиянинг тартиб рақами ва амал қилиш муддати тўғрисидаги, шунингдек, уни берган орган ҳақидаги маълумотлар харидорлар танишиши учун қулай тарзда жойлаштирилганлиги;

сотувчи товарнинг номи, унинг сорти, маркаси, модели, типи, товарнинг оғирлиги, ўлчами ёки бирлигига нархи кўрсатилган ҳолда сотиладиган товарларнинг ягона намунадаги ва аниқ расмийлаштирилган нархномалари бўлишини таъминлаганлиги;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ҳамда бошқа буюмлар билан савдони амалга оширадиган сотувчи томонидан қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларни сотиш қоидаларига риоя этилиши, заргарлик буюмларининг асиллик даражаси белгиланганлиги ва тамғаланганлиги, шунингдек, кирим қилинмаган контрафакт маҳсулотларнинг сотилиши ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари парчаларини, улардан тайёрланган буюмларни, шунингдек, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларни сотиб олиш пунктларида қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик ва бошқа буюмлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошларнинг чакана савдоси билан шуғулланиш ҳуқуқи учун берилган рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси мавжудлиги, товарларни ҳисобга олиш ва пул операцияларини юритиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя қилиниши;

маиший электр приборларининг техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида энергия самарадорлигининг тегишли классификацияси тўғрисидаги ахборотларнинг мавжудлиги;

сотиладиган товарларнинг нархи кўрсатилган нархномаларга эгаллиги; умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидаларига риоя этилиши;

чакана савдо ва (ёки) умумий овқатланиш шохобчасида алкоголь маҳсулотлари савдоси учун рухсат гувоҳномалари мавжудлиги ва шохобчанинг рухсат бериш шартларига мувофиқлиги.

43. Савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини текшириш натижалари сайёр солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

9-боб. Солиқ тўловчидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи (солиқ агентлари) томонидан хатловдан ўтказишни талаб қилиш

44. Асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни солиқ тўловчи (солиқ агентлари) томонидан хатловдан ўтказиш «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 19-сонли БХМСга (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) мувофиқ амалга оширилади.

Бунда, солиқ тўловчининг сақланаётган ва савдо объектларида савдога чиқарилган товарларнинг кирим ҳужжатлари (ҳисобварақ-фактуралар, юк хатлари, назорат-касса техникаси чеки ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжатлар) мавжудлиги текширилади.

45. Сайёр солиқ текшируви жараёнида, шунингдек, солиқ органида мавжуд маълумотларга асосан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар мавжуд эмаслиги аниқланиб, бу солиқ тўловчининг тилхати билан тасдиқланганда хатловдан ўтказиш амалга оширилмайди.

10-боб. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш

46. Ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахснинг мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклда қабул қилинган қарор асосида амалга оширилади.

47. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни олиб қўйиш қўйдаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

а) буюмларни олиб қўйиш — тегишли рухсатномаларсиз, қалбаки акциз маркаси билан ёки акциз маркасиз ишлаб чиқарилган ёки сотилаётган алкоголь ва тамаки маҳсулотлари аниқланган тақдирда;

б) ҳужжатларни олиб қўйиш:

сайёр солиқ текширувини ўтказишда талаб қилинган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан тақдим этилиши рад этилганда ёки белгиланган муддатларда тақдим этилмаганда;

ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари етарли бўлмаса ҳамда солиқ органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, ўзгартирилиши ёки алмаштириб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида тахмин қилиш учун етарлича асослар мавжуд бўлса.

Ҳужжат ва буюмларни олиб қўйиш жараёни видеотасвирга туширилади.

Мазкур бандда назарда тутилмаган ҳолларда буюмларни олиб қўйиш тақиқланади.

48. Солиқ тўловчи фаолиятининг тўхтаб қолишига олиб келадиган ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш фақат суднинг қарори асосида амалга оширилади.

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

49. Сайёр солиқ текшируви жараёнида олиб қўйилган буюмларнинг ўзгартирилишига (товар тури, ҳажми, миқдори, қиймати ва бошқа ўзига хос белгилари) йўл қўйилмайди.

50. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва (ёки) буюмларни тунги пайтда (соат 23-00 дан 06-00 га қадар бўлган вақт оралиғида) олиб қўйишга йўл қўйилмайди.

51. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш ҳолислар ҳамда ҳужжатлари ва буюмларини олиб қўйиш амалга ошириладиган шахслар иштирокида ўтказилади.

Зарур бўлган ҳолларда, олиб қўйишни амалга оширишда иштирок этиш учун мутахассис таклиф этилиши мумкин.

52. Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш бошлангунига қадар сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс солиқ тўловчига ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйишни амалга ошириш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

53. Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ҳужжатлар ва (ёки) буюмларини олиб қўйиш амалга ошириладиган шахсга уларни ўз ихтиёри билан топширишни таклиф этади, таклиф рад этилган тақдирда эса, олиб қўйишни мажбурий тарзда амалга оширади.

Ўзига нисбатан олиб қўйиш амалга ошириладиган шахс олиб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва буюмлар сақланиши мумкин бўлган биноларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортганда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс тамбаларга, эшикларга ва бошқа буюмларга зарурат сабабли юзага келмаган шикаст етказишдан қочиб олиб қўйишни мустақил тарзда бажаришга ҳақли.

54. Сайёр солиқ текшируви жараёнида ҳужжатлар ва буюмларни олишда ушбу Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклда икки нусхада ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённоманинг бир нусхаси солиқ тўловчига имзо қўйдириб топширилади.

Солиқ тўловчи ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённомани имзолаш ва (ёки) олишдан бош тортган ҳолларда бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади ва солиқ тўловчига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

55. Солиқ тўловчи талаб қилинган ҳужжатлар ва буюмларни тақдим этишдан, биноларни ёки бошқа жойларни очишдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан тузилган ҳужжатлар ва буюмларни олиб қўйиш тўғрисида баённомада ёзув киритилади.

11-боб. Сайёр солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

56. Сайёр солиқ текширувида солиқ тўловчи томонидан сайёр солиқ

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

текширувини ўтказувчи мансабдор шахснинг ўз ҳудуди ва биноларига киришига тўсқинлик қилинган тақдирда, сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан мазкур Низомнинг 7-иловасига* мувофиқ далолатнома тузилади.

Бундай далолатнома асосида солиқ органи солиқ тўловчи тўғрисида ўзида мавжуд бўлган маълумотлар ёки худди шундай солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотлар асосида тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини мустақил тарзда аниқлашга ҳақли.

Далолатнома сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс ва солиқ тўловчи томонидан имзоланади. Солиқ тўловчи кўрсатилган далолатномани имзолашни рад этган тақдирда, мазкур далолатномага тегишли ёзув киритилади.

57. Сайёр солиқ текшируви натижалари бўйича сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ шаклда қатъий ҳисобда турадиган сайёр солиқ текшируви далолатномаси тузилади.

58. Сайёр солиқ текшируви далолатномаси икки нусхада тузилади ва солиқ органи мансабдор шахслари ҳамда солиқ тўловчи томонидан имзоланади.

Сайёр солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси солиқ тўловчига далолатнома билан танишиб чиқиб, уни олганлиги ва санаси кўрсатилган имзоси орқали топширилади.

59. Солиқ тўловчи сайёр солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортганда, ушбу далолатномага тегишли ёзув киритилади ва унинг нусхаси электрон ҳужжат тарзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборади юборилади. Юборилган ҳужжатлар солиқ тўловчи томонидан ўқиб чиқилганидан кейин, лекин ушбу ҳужжат жўнатилган санадан эътиборан уч кундан кечиктирмай олинган деб ҳисобланади.

Агар солиқ тўловчида солиқ тўловчининг шахсий кабинети мавжуд бўлмаса, далолатнома почта орқали буюртма хат билан юборилади ва у жўнатилганидан сўнг беш кундан кейин олинган деб ҳисобланади.

60. Сайёр солиқ текшируви далолатномаси солиқ тўловчига топширилган кун ёки унга юборилган кун солиқ текшируви якунланган кун деб ҳисобланади.

61. Сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари, текширув давомида расмийлаштирилган ҳужжатлар, эксперт ва мутахассислар ҳулосалари, сайёр солиқ текшируви давомида олинган материаллар, шунингдек, сайёр солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатларнинг бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар сайёр солиқ текшируви далолатномасига илова қилинади.

62. Сайёр солиқ текшируви давомида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда, аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича иш юритиш Солиқ кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

* 7-8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

12-боб. Якуний қоидалар

63. Ушбу Низомнинг талабларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

64. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. ҚОСИМОВ

2020 йил 18 май

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ИКРАМОВ

2020 йил 18 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

272 Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3248*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 июнда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 2 июнь,
2020-21-сон

Келишилган:

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

2020 йил 2 июнь

Молия вазيري

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 2 июнь

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

2020 йил 2 июнь

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2020 йил 2 июнь

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
2 июндаги 2020-21-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 27 майдаги 2013-26-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2475, 2013 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 26-сон, 349-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 10 августдаги 2015-27-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2475-1, 2015 йил 17 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 33-сон, 444-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 20 октябрдаги 2015-32-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2475-2, 2015 йил 27 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 43-сон, 554-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 14 августдаги 2017-43-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2475-3, 2017 йил 21 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 38-сон, 1060-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 31 декабрдаги 2017-73-сон «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2475-4, 2018 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2018 йил, 10/18/2475-4/0604-сон).

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 6 мартдаги 2019-14-сон «Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3148, 2019 йил 3 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.04.2019 йил, 10/19/3148/2880-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

273 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 12 мартдаги 8/1-сонли қарори (рўйхат рақами 2217, 2011 йил 14 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 15-сон, 157-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 май,
12/12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
25 майдаги 12/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан
банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш)
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Қуйидаги ҳолларда алоҳида масалалар юзасидан инспекция (текшириш) ўтказилиши мумкин:

тижорат банкларининг таваккалчиликларини баҳолаш натижалари асосида;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўровлари асосида;

жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида.».

2. 29-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар ва уларнинг филиаллари раҳбари ва ходимларидан инспекция (текшириш) ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳар қандай ҳужжатларнинг асл нусхаларидан нусха олиш, лозим бўлганда эса ҳужжатлар нусхаларини имзоланган, рақамланган ва тикилган ҳолда тақдим этилишини талаб қилиш;».

3. 32-банднинг бешинчи хатбошисидан «муҳр билан тасдиқланган,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

274 «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1724-3

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 июнь,
2020-18-сон

Келишилган:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 12 июнь

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 19 июнда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил
12 июндаги 2020-18-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сон «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор (рўйхат рақами 1724, 2007 йил 9 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 422-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 30 августдаги 2013-37-сон «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарор (рўйхат рақами 1724-1, 2013 йил 23 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 39-сон, 517-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 6 майдаги 2014-17-сон «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарор (рўйхат рақами 1724-2, 2014 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 235-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 13 июндан 19 июнгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирининг 2020 йил 1 майдаги 9-сон «Ўзбекистон Республикасининг аэропортлари ва ҳаво ҳудудида ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш учун йиғим, тарифларни шакллантириш ва ундириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3244.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 15 июндаги 134-мх-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3114-1.

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 11 майдаги 117-сон «Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2667-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/2-сон «Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1291-11.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/11-сон «Ўзбекистон Республикасида банклар томонидан нақд пул муомаласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 15 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3003-3.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 25 майдаги 2020-19-сон «Ўзбекистон Республикасида товар-хом ашё биржаларида операцияларни амалга оширувчи ва (ёки) ташкиллаштирилган сав-

доларда жамиятларнинг акцияларини сотиб оладиган (сотадиган) норезидент бўлган юридик шахсларни солиқ органларида ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3245.

7. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг 2020 йил 11 майдаги 170-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари микдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3246.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-16-сон «Сайёр солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3247.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 2 июндаги 2020-21-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан қабул қилинган айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 18 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3248.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 25 майдаги 12/12-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банклар ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2217-3.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 12 июндаги 2020-18-сон «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1724-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг «Вазирлар Маҳка-

масининг 2018 йил 19 июндаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштириладиган давлат маданият муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3189, 2019 йил 30 октябрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 18 июндаги 139-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўтказиладиган солиқ текширувларида назорат харидини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2475, 2013 йил 28 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2475-1, 2015 йил 17 август), (рўйхат рақами 2475-2, 2015 йил 27 октябрь), (рўйхат рақами 2475-3, 2017 йил 21 сентябрь), (рўйхат рақами 2475-4, 2018 йил 22 январь).

Адлия вазирининг 2020 йил 18 июндаги 141-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни хронометраж кўздан кечиришни ўтказиш ҳамда камайтирилган тушум суммасидан солиқларни ҳисоблаб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3148, 2019 йил 3 апрель).

Адлия вазирининг 2020 йил 18 июндаги 141-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1724, 2007 йил 9 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1724-1, 2013 йил 23 сентябрь), (рўйхат рақами 1724-2, 2014 йил 13 май).

Адлия вазирининг 2020 йил 19 июндаги 143-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

